

ISSN 2181-9521

№ 5-son, 2020



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР

2020 йил 21 май куни Судьялар олий кен

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашида бир қатор номзодлар судьяликнинг янги ваколат муддати даврига тайинланди. Шу мақсадда карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда йиғилиш ўтказилди.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 63, 63¹, 63²-моддалари ва “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 7, 17-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2020 йил 21 майдаги қарори билан қуйидагилар:



Акмал Файзуллаевич Жонқобилов – судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси лавозимиغا;

Баҳрилло Салимович Жабборов – судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига, беш йил муддатга жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Жондор тумани судининг раиси лавозимиغا;



Мансурбек Комилович Курбанов – судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига Хоразм вилояти иқтисодий судининг судьяси лавозимиغا;

Ўктамжон Зарифбаевич Машарифов – судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига, беш йил муддатга жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Шовот тумани судининг раиси лавозимиغا;



Ҳасан Саматович Акбаров – судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман судининг судьяси лавозимиغا тайинланди.

ОЛИЙ КЕНГАШИДАН ФОТОРЕПОРТАЖ

гашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди



Шунингдек, **Бахтиёр Тўйчиевич Фармонов** – судьялик ваколатининг қолган муддати даврига фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг судьяси лавозимига;

Наврўз Эргашевич Ҳамроев – судьялик ваколатининг қолган муддати даврига фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани судининг раиси лавозимига;

Шухрат Шавкатович Бакаев – судьялик ваколатининг қолган муддати даврига жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг раиси лавозимига қайта тайинланди.

Шу билан бирга Судьялар олий кенгашининг қарори билан 107 нафар номзод судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига қабул қилинди.



**«ODILLIK MEZONI»
илмий-амалий,
ҳуқуқий журнал**

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси

Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДАРОВ

Илҳом НАСРИЕВ

Малика ҚАЛАНДАРОВА

Бехзод МЎМИНОВ

Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИВА

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билан юридик фанлар бўйича диссертациялар
асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-рақам билан
кайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал-
лардан фойдаланилганда, манба қайд
этилиши керак.

Босишга 28.05.2020 да руҳсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ

Буюртма № 12

Адади 2350

Баҳоси келишилган нархда

“SIFAT XIZMAT MEDIA” МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

Кун мавзуси


6-бет

**Янги Ўзбекистон –
янги замонавий
кадрлар**



Жараён

10-бет



**Судьялар олий мактабида
масофавий таълим
қандай йўлга қўйилди?**

Мутахассис мулоҳазаси

13-бет

**Фуқаролик кодекси –
қундалик турмушимиз
ҳуқуқий негизи**



Тадқиқот, таҳлил

16-бет




**Маъмурий суд
ишларини юретишда
иштирокчиларни рад
қилиш**

Халқаро тажриба

20-бет

**Коррупциявий
жиноятларга оид
жавобгарликнинг
ўзига хос жиҳатлари**



Ибрат

22-бет




**Қозининг доно
қарори**

Мозийдан садо

23-бет

**Қозилик
судлари:
тарихдан
сабоқлар**




Суд амалиёти 28-бет



**Корпоратив
низолар
суд муҳокамасида**

Давр кўзгуси 48-бет



**Судлар фаолиятида
ошкоралик ҳамда
ахборот олиш
ҳуқуқининг
таъминланиши**

Муҳим мавзу 32-бет



**Бошқарувда ижро
самарадорлигига
таъсир этувчи омиллар
ва уни баҳолаш**

Табиат ва жамият 50-бет



**Жамоат экологик
назорати ва уни
такомиллаштириш**

Фуқаролик жамияти 36-бет




**Судларда ишларни
очиқ-ошқора
кўриб чиқиш**

Муносабат 52-бет



**Низоли
битимларнинг
ҳуқуқий табиати**

Эксперт фикри 39-бет



**Аёллар ва болаларнинг
турар жойдан
фойдаланиш ҳуқуқи:
муаммо ва ечим**

Зарубежное право 54-бет



**Сопроотивление
представителю власти.
Обзор законодательств
зарубежных стран**

Янги босқич 42-бет



**Маъмурий
тартиб-
таомиллар**

Важная тема 56-бет



**Имплементация
международных
стандартов по
противодействию
коррупции в судебную систему**

Моҳият 46-бет




**Буни умр
дерлар...**

International experience 60-бет




**The purpose of
bankruptcy
laws of the
United States**

47-бет



**Ҳуқуқий онг ва
ҳуқуқий
маданият жамият
тараққиётининг
муҳим омили**

Менинг фикрим 63-бет



**Банкротлик
тушунчасининг
ҳуқуқий асосларини
такомиллаштириш
масалалари**



Худойкул АЗИЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси биринчи проректори

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР

(Меритократия принципи ҳақида)

Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илгор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Меритократия латин тилида “meritus” – муносиб, юнон тилида “крáтос” – ҳокимият деган маънони англатади. Меритократия тамойилига кўра, энг қобилиятли одамлар ижтимоий келиб чиқиши ва молиявий аҳволдан қатъи назар раҳбарлик лавозимларини эгаллашлари кераклиги назарда тутилади. Ушбу атаманинг биринчи маъноси истеъдодлар орасидан раҳбарлар тайинланадиган тизим бўлса, иккинчиси қобилиятли ва меҳнатсевар одамларнинг келажакда юқори ижтимоий мавқени эгаллаш имкониятига эга бўлишлари учун бошланғич шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Меритократия асрлар давомида мавжуд бўлиб, Конфуций фалсафасида ҳокимиятга муносиблик маъносини англатади. Дениэл Белл ўзининг “Келажак постиндустрия жамияти” китобида меритократия бюрократияни йўқ қилиши ва умуман жамиятнинг


ижтимоий тузилишини ўзгартира олиши ҳақида таъкидлаган¹. Ушбу фикрни Фарб социологиясида неоконсерватизм вакиллари (З.Бжезинский) ҳам билдирган.

“Меритократия” тушунчаси фанга 1950 йилларда Майкл Янг томонидан киритилган бўлиб, 1958 йилда нашр этилган “Меритократия ривожланиши 1807-2033 йиллар” номли китобида “Меритократия бу тенг жамият, жамиятдаги мавқе инсоннинг истеъдоди ва заковатига боғлиқдир. Ижтимоий имтиёзлар эса кўпроқ лойиқдан камроғига тақсимланади” – деб таъкидланади.

Янгиланаётган Ўзбекистон давлати бошқарувида малакали кадрлар, давлат фуқаролик хизматчиларини танлаш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда уларнинг малакасини оширишда замонавий тамойил ва усуллардан кенг фойдаланиш талаб қилинади. Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев “меритократия” тамойилини давлат фуқаролик хизматини ташкил этишда кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратди.

Меритократия тамойили давлат хизматида истеъдодли ёшларни адолатли ва шаффоф танлаб олиш, шунингдек, карьерани ривожлантириш имкониятларини ошириш учун муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда давлат хизматидаги хизматчининг асосий усул ҳисобланган очик танлов асосида танлаб олиниши раҳбар шахсига бўлган шахсий садоқатнинг қандай бўлишидан қатъи назар, мансабдор шахснинг касбий салоҳияти ва ютуқлари ходимлар барқарорлигини ва иқтидорли ёшлар оқимини таъминлайдиган адолатли баҳолаш тизимини таъминлайди.

Меритократиянинг асосий элементлари орасида давлат хизматида қабул асосида танлаб олиш, талабгорларни





баҳолаш, уларнинг шахсий қобилиятлари, билимлари ва кўникмаларини мезонларга мувофиқ аниқлаш, барча давлат хизматчиларига тенг муносабатда бўлиш, иш учун эквивалент нисбатда ҳақ тўлаш, ўз фаолиятларида самарали натижаларга эришиш, меҳнати тўлиқ қониқтирмаган ходимларнинг фаолиятини тўғрилашдек тамойилларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Давлат томонидан меритократия тамойилини таъминлаш ва уларга риоя қилиш, давлат хизматчиларининг чинакам самарали ишлаши, маъмурий аппаратларнинг сифати ва давлат хизматининг нуфузини ошириш нуқтаи назаридан давлат хизмати институтини янада кучайтиради.

Амалдаги меритократиянинг яхши намуналаридан бири бу Хитой раҳбарларининг сўнги, бешинчи авлодини тайинлашдир. Сиёсий Бюро доимий комиссиясининг етти аъзосидан олти нафари камида икки марта вилоят раҳбари лавозимини эгаллайди ва ҳар бири ўз лавозимида яхши натижаларни кўрсатади. Вилоятларнинг ҳар бири ўртача тўрт-беш Европа мамлакатлари даражасига етказилади. Хитойнинг асосий сиёсий янгилиги “яхши” лидерларни тарғиб қилиш ва “ёмон” лидерларни жамоа қарори орқали тизимдан, яъни давлат хизматидан чиқаришни ташкил этади. Хитойнинг “танлов ва сайлов” меритократик модели тобора Фарбнинг машҳур демократиясининг модели билан рақобатлашмоқда.

Меритократия тамойилининг ёрқин намунаси сифатида Сингапур тажрибасини мисол қилиб келтириш мумкин. Сингапурда 1951 йилда Давлат хизматлари комиссияси (Public Service Commission) ташкил этилган. Ушбу комиссия дастлаб Сингапурдаги Британия ҳукуматида фуқаролик бандлик

хизмати билан боғлиқ масалалар бўйича уларни лавозимга тайинлаш ва касбий ривожланиш юзасидан маслаҳат беришдан иборат бўлган. Таъкидлаш жоизки, ушбу комиссия таркибига аввал давлат хизматида бўлмаган экспертлар жалб қилинган бўлиб, бундай ёндашув комиссия фаолиятини сиёсий ва маъмурий органлардан мустақил равишда амалга оширишга ёрдам берган. Кейинчалик бюрократлаштирилган кадрларни танлаш тизими давлат органлари ишига тўсқинлик қила бошлади ва 1994 йилда Ли Куан Ю давлат хизмати бўйича комиссия фаолиятини ислоҳ қилди. Ушбу ислоҳот шундан иборат бўлдики, давлат хизматлари комиссияси ўз вазифаларини вазирликларга топширди, шунингдек, ушбу ислоҳот доирасида махсус кадрлар кўмиталари ташкил этилди. Ўша вақтдан бошлаб PSC маъмурий хизматга (AS – Administrative Service) тайинлашда қатнашди. 2002 йилда ҳамкорликни бошқариш махсус дастурининг (The Management Associates Programme) ишлаб чиқилиши дастлаб юқори лавозимларга номзод кадрларни мактаб даврдан бошлаб тайёрлаш, кейинчалик юқори стипендиялар орқали иқтидорли ёшларни давлат хизмати-га жалб қилишга ва турли вазирлик ҳамда идораларда ўз малакаларини оширишлари-га имкон берди. Шу орқали юқори даражали кадрлар захираси шакллантирилди.

Сингапур давлат секторига номзодларни танлаш тизими HAIR (Helicopter view, Analysis, Imagination, Reality) компетенциялар моделига асосланади. HAIR концепциясида давлат хизматчисининг қандай фикрлаши ва ҳаракат қилиши кераклиги тасвирланган, хусусан, вазиятга ҳар томонлама қараши, таҳлил қилиши ва ечимига ижодкорона ёндашиши кераклиги назарда тутилади².

Кадрлар сиёсатини такомиллаштиришда Сингапурда PSC дан ташқари бошқа институтлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири – Давлат хизмати коллежидир (CSC – Civil Service College). Мазкур коллеж 1971 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси инновацион бизнес ғояларни давлатнинг ривожланиши билан уйғунлаштиришдан иборат. Кейинчалик ушбу коллеж 2001 йилда қабул қилинган қонун билан мустақамланиб, Давлат хизматининг расмий кенгаши ва Бош вазир девони бўлди. (The Civil Service College Act)³.

Сингапурда менторлик тизими ҳам йўлга қўйилган. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Ли Куан Юнинг ўзи 2004 йилда вазир-мураббий (ментор) вазифасини бажарган. Давлат хизмати коллежида махсус менторлик дастурлари мавжуд бўлиб, бунда тингловчилар ўз менторларининг тажрибалари орқали қўл остидагилар билан ўзаро муносабатларни яхшилаш ва ривожлантириш каби масалалар бўйича маслаҳатлашишлари мумкин.

Жанубий Корея Республикаси эса Давлат хизматининг асосий принцип (тамойил)лари Давлат хизматининг демократик тамойиллари, профессионал давлат хизмати тизими ва меритократияга асосланган давлат хизмати тизими деб номланган 3 гуруҳга бўлинади. Бунда давлат хизматчилари халққа хизмат қилиши, халқ олдида масъулиги, уларни лавозимга тайинлашда барчанинг тенг ҳуқуқлилиги, очиқлик, давлат хизматида профессионал ўсиш ва давлат хизматининг юқори кадрланиши, мактабни тугатган қобилиятли (иқтидорли) инсон ресурсларининг давлат хизматида жалб қили-

ниши, ротация (ўтказиш) ва ўқитиш орқали салоҳиятни ривожлантириш ҳамда давлат хизматчиси мақомининг кафолатлангани, рақобатнинг мавжудлиги, шунингдек, давлат хизматчиларининг ишга қабул қилиш тизими (Recruitment)да умумий тамойиллар мавжудлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда меритократик тамойилни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш мақсадида мазкур қарор билан тасдиқланган Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танлови ташкил этилди.

Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш бўйича асосий вазифалардан бири сифатида давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш белгилаб берилди. Мазкур вазифалар ижроси доирасида давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан касбга оид сифатларини объектив баҳолаш асосида қобилиятли шахслар орасидан захираси шакллантирилган профессионал кадрларни давлат фуқаролик хизматида қабул қилиш ҳамда уларни хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия тамойилини қўллаш, малакасини мунтазам ошириш, малака мартабалари (даражалари) бериш ва тоифалаш орқали давлат фуқаролик хизматининг “карьерга модели”ни жорий этиш ҳамда давлат фуқаролик хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тизимини амалда татбиқ этиш, давлат фуқаролик хизматчиларига иш фаолияти самарадорлигини ошириш учун рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини жорий этиш мақсадида Президентимизнинг



2019 йил 3 октябрда “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди⁴.

Мазкур Фармон асосида давлат хизматини янада такомиллаштириш ва ислох қилишнинг бир қатор устувор йўналишлари белгиланди⁵. Улар орасида давлат хизматида очик, мустақил танлов асосида қабул қилиш, бу номзоднинг барча устунликлари ва афзалликларини, шу жумладан, унинг ахлоқий ва ватанпарварлик фазилатларини холисона баҳолаш мезони алоҳида қайд этилган.

Фармонга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Молия вазирликлари, “Халқ банки” АЖ ҳамда республика миқёсидаги 13 та шаҳар ва 3 туманда очик, мустақил танлов асосида давлат фуқаролик хизматида ишга қабул қилиш тизими жорий этилади.

Мазкур Фармон асосида янги Агентлик фаолиятини ташкил этишга қаратилган Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди⁶. Ушбу ҳужжатлар давлат фуқаролик хизматчисини, шу жумладан, номзодларнинг меритократия тамойилини кўллаш асосида очик, мустақил танлов орқали саралаб олиниши жараёнини, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва билимдонлигини баҳоловчи мезонларни, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларнинг белгиланиши, шунингдек, давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органнинг ташкил этилиши билан боғлиқ янги механизмларнинг яратилишига асос бўлди.

Ҳар бир давлатда давлат хизматининг қандай шаклланиши, унинг демократик талабларга мос эканлиги муҳим ҳисобланади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириб бориш, самарали давлат хизматчилари захирасини шакллантириш масалалари ҳар қандай давлат олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Фуқароларни давлат хизматида қабул қилиш жараёни ҳам замон талаблари даражасида такомиллашувни талаб этади.

Бугунги кунда давлат хизматида қабул қилишда номзодларнинг аниқ натижаларга йўналтирилган бошқарув салоҳиятини эгаллаши талаб этилади. Шундай экан, мазкур соҳанинг профессионал корпусини яратиш




мақсадида давлат хизматини ташкил этиш, унинг ҳуқуқий мақоми, давлат хизматчиларининг классификацияси, хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, аниқроғи Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматининг асосий тушунчалари, принциплари, регламентлари ва кафолатларини белгилаб берадиган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб қабул қилиш вақти келди.

Янгиланаётган Ўзбекистон учун замонавий фикрлайдиган, малакали кадрларга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берадиган, халқ учун ёниб яшайдиган, адолатни таъминлайдиган одил, меритократия принциплари асосида танлаб олинган кадрлар зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. - М.: Академия, 1999.
2. Talent Equity Institute. Singapur: Singapore: government as a successful corporation. Available at: http://www.wardhowell.com/teinstitute/tei_exclusive_2/singapur_gosudarstvo_kak_uspeshnaya_korporaciya/ (accessed 11 September 2015).
3. The Civil Service College Act. Available at: <https://www.csccollege.gov.sg/About%20Us/Pages/Our-History.aspx> (accessed 9 September 2015).
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 07/19/4472/3906-сон.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 07/19/4472/3906-сон.



СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ҚАНДАЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ?

Ўзбекистонда коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида жорий этилган карантин даврида ўқувчи-талабаларнинг таълим даргоҳлари, дарс жараёни ва китобдан узоқлашиб кетмаслиги чоралари кўрилди. Телеканалларимиз орқали ўқувчиларга масофадан таълим берилмоқда. БМТнинг ихтисослашган фан, таълим, маданият муассасаси – ЮНЕСКО бу борадаги ишларимизни олқишлади ва бошқа мамлакатларни ўрнатилганга чақирди. Хўп, бу даврда Судьялар олий мактабида масофадан ўқитиш қандай олиб борилди, деган савол билан Олий мактабнинг Маъмурий ҳуқуқ йўналиши тингловчиларига мурожаат қилдик.



**Рухиддин ПИРНАЗАРОВ,
Судьялар олий мактаби
магистранти:**

— Судьялар олий мактаби магистратурасида дарс машғулоти бир маромда бўлаётган эди. Бутун дунёга, шу жумладан, жонажон юртимизга ҳам коронавирус пандемиясининг кириб келиши

билан дарсларимиз вақтинча тўхтатилди. 16 март куни барчамиз доимий яшаш жойларимизга етиб келдик ва бугунги кунга қадар масофадан туриб ўқиямиз.

Ҳар душанба куни кафедра мудиримиз бир ҳафталик иш режасини белгилаб беради. Унинг бир кунлик қисми учта саволдан иборат бўлиб, биринчиси судларда иш юритиш тартиби, иккинчиси турли мазмундаги суд ҳужжатлари лойиҳасини ёзиш ва учинчиси, юқори турувчи инстанция судларининг қарорлари билан танишиб, қандай асослар ва сабаблар билан қуйи судларнинг ҳужжатлари бекор бўлаётганлиги ҳамда ўзгараётганлиги муҳокамасидан иборат.

Масофадан туриб таълим олишнинг ижобий томонлари шундаки, вақтни тежаш нуқтаи назаридан имконият ошади, чунки сиз қаергадир ўқиш учун вақт сарфлаб бормасиз, ёки ўқиш тугаганидан кейин яна қайтиш учун вақтингиз кетмайди. Яшаётган жойингиздан туриб таҳсил оласиз.

Шу даврда жуда кўп бадиий китоблар ўқиш учун қулай имконият бўлди. Шундан фойдаланиб, Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарини ўқиб чиқдим. Бу асарда бўлажак судьялар учун ҳаётда асқотадиган ибратли фикрлар кўп.

Тажрибали устозларимизнинг самарали меҳнатлари билан аудиторияда ўқиш билан масофадан ўқишнинг деярли фарқи сезилмади. Сабаби, масофадан туриб ҳам турли хил саволлар ва муаммоларни барча билан онлайн тарзда атрофлича муҳокама қила олдик.

Карантин даврида Олий мактаб маъмурияти ва фан ўқитувчилари томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажардик.

Олий мактаб раҳбарияти томонидан ўтказилган видеоконференцалоқа йиғилишида карантинда масофадан ўқиш ва амалиёт ўташ ҳақида барча жиҳатлар тушунтириб ўтилди.

**Марат ҲАЙИТОВ,
Судьялар олий мактаби магистранти:**

— Юқорида айтиб ўтилган бир ҳафталик режага тўхталадиган бўлсак, унда аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш ёки уни рад этиш, қайтариш, кўрмасдан қолдириш, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида суд ажрими лойиҳаларини, шунингдек, маъмурий судларга келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига жавоб хатининг лойиҳасини тайёрлашни ўргандик.

Бундай ажримларни қўлимизда бирон бир иш мавжуд бўлмасдан туриб, ўзимиз ишни ўйлаб топиб, шунга кўра суд ажримлари лойиҳаларини тайёрлашимиз, суд процесси ҳақидаги дунёқарашимизнинг янада ошишига олиб келди.

Бир ҳафталик режанинг энг муҳим, фойдали ва самарали бандлари сифатида юқори турувчи суд инстанцияси томонидан ўзгартирилган суд қарорларини ҳамда Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш таҳлилининг муҳокама қилинганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Эътибор қилиш лозимки, амалиёт битта суд органида бўлганида, бир ишни иш юритувига қабул қилишдан бошлаб, ҳал қилув қарори қабул қилиш, ушбу қарорга келтирилган шикоятларни апелляция/кассация инстанциясида, кейинчалик назорат тартибида кўриб чиқишда, бутун амалиёт даври ҳам камлик қилади.

Тошкент шаҳар маъмурий суди судьяси Нилуфар Усмонова томонидан “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг бажарилиши юзасидан умумлаштириш гуруҳимизда муҳокама қилинди. Агар мазкур муҳокама аудиторияда ёки суд органида ўтказилганида, тингловчилар ўзларининг фикрларини бу даражада эркин билдира олмас эдилар. Шунингдек, муҳокама жараёнида устознинг бизни фикрлашга ундайдиган суд амалиёти билан боғлиқ мушоҳадали саволларига бемалол танқидий жавоб бердик.

Биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган оммавий-ҳуқуқий муно-



сабатлардан келиб чиқадиган ҳал қилув қарорлари юқори инстанция судлари томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ҳолатлари ҳам муҳокама қилинди ва айрим ўзгартириш ҳолатларига кескин фикрларимизни билдирдик.

Масалан, биринчи инстанция судлари томонидан МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилган ҳолда тайинланган жарима жазоси (БҲМнинг 5 баравари) кассация инстанция суди томонидан МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилган ҳолда камайтирилган (БҲМнинг 2 баравари) ҳолда ўзгартирилган.

Мазкур ҳолат кассация инстанция суди аризачининг келгусида яна назорат тартибида шикоят қилинишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилган.

Хулоса қилиб айтганда, масофавий таълим давомида биринчи инстанция, апелляция/кассация ҳамда назорат инстанцияси судларида қабул қилинган ҳал қилув қарорлар, қарорлар ва ажримлар бўйича илгари олган билимларимизни янада мустаҳкамламоқдамиз.



**Элдор ҚУРБОНОВ,
Ўқув бўлими бош мутахассиси:**

Масофавий таълим давомида онлайн дарсни профессионал оператор даражасида ёзиш, тайёрлаш, бу вақт ичига матн, овоз, диаграмма ҳамда тестларни сиғдира билиш маҳорати ҳам шакллантирилиши зарур. Бунинг учун эса ўқитувчи камида 2 соат дарс материалларини тайёрлаши лозим бўлади. Уйда ўзини яқкалаш шароитида буларнинг ҳаммасига улгуриш қийин, албатта. Шу сабабли, кейинги ўқув йилларидан эътиборан, бу йўналишда йил бошидан пухта тайёрлаш керак. Бундан ташқари, онлайн режимида тингловчининг синов ва имтиҳон

жавобларини олиш, уларни ёздириш ва баҳолаш муаммоси ҳам бор.

Ҳам талабада, ҳам ўқитувчида онлайн тарзда ўқишни шакллантириш ва сақлаб туриш учун анъанавий (оффлайн) дарслар билан бир қаторда йилнинг маълум бир қисмида бир қанча дарсларни онлайн ўқитиш ва қабул қилиш тажрибасини ҳам қўллаш керак. Мазкур тажриба бир қанча илғор чет эл университетларида 2000 йиллардан буён қўлланиб келинмоқда. Карантин вақтида ўзимни ва ён атрофдагиларни, фарзандларимни кузатишим давомида шунга амин бўлдимки, масофали таълим самарадорлиги биринчи навбатда талабада мустақил билим олиш кўникмасининг шаклланганлик даражасига боғлиқ экан. Бу кўникмани эса боғча ва мактабдан бошлаб сингдириб бориш зарур. Афсуски, кўпчиликда бу ўқув ҳозирда анча саёз. Мустақил билим олиш кўникмасини шакллантириш нафақат масофавий таълимнинг, балки анъанавий таълимнинг ҳам асосий муаммоларидан биридир. Негаки, мустақил ўқиб ўзлаштиришга ўрганмаган талабада ижодий ва яратувчи тафаккур шаклланмай қолаверади. Бунинг учун биринчи навбатда оилада ва жамиятда ўқишдан мақсад, диплом олиш эмас, балки шахснинг жамиятдаги ўрни

ва истиқболлини белгилайдиган билим ва кўникмаларни эгаллаш, деган тушунча ҳукмрон бўлиши керак. Масофадан таълим бериш, дарсларни ташкил этиш, фан дастурлари, “уй вазибалари” мажмуаси таркиби тингловчиларни мустақил билим олишга ундайдиган ҳолда шакллантирилиши лозим. Бу эса ўқитувчидан катта касбий-услубий маҳорат ва руҳлантиришни талаб қилади.



**Аслиддин НОРБЕКОВ,
Судьялар олий мактаби
магистранти:**

— Ҳар ёмонликнинг бир яхши томони бўлганидек, карантин бизга нима берди, деган савол туғилади. Биринчидан, карантин оила аъзоларимиз билан муносабатларни мустаҳкамлаш, болаларимнинг дарс

машғулотларига эътибор бериш, биргаликда кўпроқ китоб ўқиб, уларнинг қизиқишлари ва муаммолари ҳақида суҳбатлашиш имконини ҳам берди.

Иккинчидан, таълим олиш бўйича илғор хорижий тажрибада онлайн тизим бежиз самарали деб эътироф этилмайди. Қисқа муддат ичида мен ҳам онлайн ўқишнинг афзалликларини ҳис қилдим. Масофавий таълим бевосита компьютер орқали амалга оширилганлиги сабабли, мавзу билан боғлиқ маълумотларни дарс жараёнида ҳам олиш имконияти бор.

Учинчидан, масофавий таълимда видеомаъруза, маърузалар матни, мавзулар бўйича тақдимот материаллари (слайдлар), мустақил иш, тингловчиларнинг билимларини мустаҳкамлаб боради. Онлайн дарс — бу янгича услуб ва анъанавий дарсдан тубдан фарқ қилади. Демак, ҳар бир ўқитувчи ва тингловчи энди аудиториядаги ёндашувларни қисман унутиб, виртуал аудиторияларга мослашиши зарур, чунки бу дарсларнинг ҳам ўзига яраша жиддий талаб ва шартлари бор. Менинг масофадан туриб таълим олишим судья учун энг муҳим билим ва кўникмаларни, шу билан боғлиқ халқаро тажрибани чуқурроқ ўрганишимга имконият яратди.

Карантин халқимиз, ўқувчи ва талабаларни вақтни бекор ўтказмасликка, онлайн дарсларни қунт билан ўзлаштиришга, бадиий китоблар ўқишга ундади.

Шаҳбоз САЙИД тайёрлади.

Агар ҳокимият қонундан илгари юрса, фуқародан кўра ҳоким бўлган афзал.

* * *

Кафаннинг чўнтаги бўлмайди...

Швед мақоллари

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ – КУНДАЛИК ТУРМУШИМИЗ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

Қонун ижодкорлиги жараёнида буни ёдда тутиш лозим

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сиёсат институти томонидан муҳокамага қўйилган
Фуқаролик кодексининг лойиҳаси қизгин баҳс-мунозараларга
сабаб бўлмоқда. Чунки, ҳар биримиз кундалик ҳаётда, доимий
равишда ушбу кодекснинг таъсири остида бўламиз. Фуқаро-
лик кодекси нормалари қай даражада оқилона ишлаб чиқилган
бўлса, инсонлар учун шунчалик қулайлик яратилади.**

Биринчи навбатда Фуқаролик кодексининг номланиши бўйича турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Марҳум профессор Ш. Шораҳмедов Фуқаролик кодекси кишиларни кундалик ўзаро муомаласи, жумладан, мулкӣ, шартномавий, шахсий муносабатлари билан боғлиқ эканлигига урғу бериб, уни “Муомалат кодекси” деб номлашни таклиф этган эди.

Баъзи мутахассислар Фуқаролик кодекси номидан воз кечиш лозимлигини билдирмоқда. Уларнинг фикрига кўра, фуқаролик сўзининг этимологик маъноси фақирлик, камбағалликдан келиб чиққан, шу сабабли ушбу иборани ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас. Айримлар эса фуқаролик сўзи аввалги мазмунини йўқотганлигини, бугунги кунда янги мазмун касб этганлигини ва бу тушунчага нисбатан кўпчиликда кўникма ҳосил бўлганлиги учун кодекс номини ўзгартиришни мақсадга мувофиқ эмас деб билади.

Фуқаролик кодексини Цивил кодекси деб номлаш тарафдорлари ҳам йўқ эмас. Улар Европанинг ривожланган мамлакатларида шундай ном қўлланишини асос қилиб кўрсатмоқдалар. Бу борадаги ҳақиқий реал ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, шуни таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда фуқаролик ибораси билан боғлиқ учта норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилади. Булар Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни. Биз Ўзбекистон Республикасининг фуқаросимиз. Давлат билан бизнинг ўртасида алоҳида барқарор ҳуқуқий боғланишлар ва алоқалар мавжуд. Давлатимиз бизни ўз фуқароси сифатида ҳуқуқий ҳимоясига олади ва айни пайтда бизнинг ҳам давлат олдида муайян мажбуриятларимиз бор. Фуқаролик жисмоний шахсининг мақоми сифатида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни бўйича шу маънода талқин этилиши мумкин. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бу фуқаро билан давлат ўртасидаги ҳуқуқий

боғланиш, ўзаро ҳуқуқий мажбуриятлар тизими, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси эса тенг ҳуқуқли субъектлар (шу жумладан, фуқаролар, юридик шахслар, давлат) ўртасида вужудга келадиган тенг ҳуқуқлилика, мустақилликка, эрк мухториятига асосланган мулкӣ, шартномавий, шахсий, корпоратив муносабатлар тизимидир. Бу ўринда Фуқаролик кодексини қайта номлаш зарурияти ва муаммолари мавжудлигини ҳал этиш зукко ўқувчига ҳавола.

Фуқаролик қонунчилигининг асослари бўйича англо-саксон ҳуқуқ тизимида ҳам, романо-герман ҳуқуқ тизимида ҳам, мусулмон ҳуқуқ тизимида ҳам асрлар давомида шаклланган нормалар, конструкциялар мавжуд. Шу сабабли, Фуқаролик кодексининг янги лойиҳасини тайёрлашда ҳам асосий эътибор ривожланган мамлакатларнинг шу соҳадаги нормалари, халқаро конвенциялар, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти талабларидан келиб чиқиб нормалар шакллантирилади. Аниқроғи, адолатли, оқилона, турмушда ўзини оқлаган нормаларни олиб лойиҳага жойлаштириш талаб этилади. Ахир, аллақачон ихтиро қилинган велосипедни яна қайтадан ихтиро этишнинг кимга кераги бор. Бу ерда асосий муаммо нормаларнинг бир неча муқобил вариантлари бўлган ҳолда, энг мақбулини танлаш ҳисобланади.

Тўғриси айтиш керак, Фуқаролик кодекси лойиҳаси бўйича кўп баҳс-мунозаралар “Нима учун бу мамлакатдан мана бу нормани олдинг?” ёки бошқа норма қайси асосга кўра рад этилди деган масала устида боради. Муҳокама қилинаётган лойиҳада кўплаб мамлакатлар қонунлари ўрганиб чиқилган ва уларнинг орасида муайян нормалар асос сифатида олинган. Булар орасида бизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун муаммоли вазиятларга яхши ечим бўлиши мумкин бўлган шартнома конструкциялари ҳам мавжуд. Масалан, Олий суд мутахассислари кейинчалик қайтиб сотиб олиш шarti билан тузиладиган олди-сотди шартномаси конструкциясини ижо-



Омон ОКЮЛОВ,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
юрист, юридик
фанлар доктори,
профессор

бий баҳоламоқдалар. Уларнинг кўрсатишича, амалиётда пул қарз беришда гаровга нисбатан ишончсизлик мавжуд ва қарз шартномаси уй-жой ёки автомашина олди-сотди шартномаси сифатида расмийлаштириш ҳоллари учрайди ва натижада суд амалиётида низоларни вужудга келтиради. Агарда вақтинчалик маблағ олишда уй-жойни қайтариб сотиб олиш назарда тутилса, сих ҳам, кабоб ҳам куймаган бўлар эди.

Фуқаролик кодекси миллий ҳуқуқ тизимида ўзига хос етакчи мавқени эгаллайди. Меҳнат ва оила қонунчилигига нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг қўлланиши бу аксиома, бироқ, мулк ҳуқуқи, мол-мулк, мулкый ҳуқуқ, мутлақ (мустасно) ҳуқуқ, зарар ва зиён, юридик шахс, шартнома ва шу каби қатор категориялар ва тушунчалар Солиқ кодексига, Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда, Божхона кодексига ва бошқа қатор қонунларда ҳам қўлланишини ҳисобга олсак, демак улар миллий қонунчилик тизимида бир хил иборалар орқали ифодаланиши ва уларни мазмунан талқин этишда ҳам узвийлик бўлиши талаб этилади. Ушбу априор ҳуқуқ ижодкорлиги ва қонун ижодкорлиги жараёнида оғишмай амал қилиниши лозим.

Бугунги кунда “ақлли қонунлар” ва тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар тўғрисида кўп гапирилмоқда. Қонунларда ҳаволаки нормаларни кескин камайитириш талаби қўйилмоқда, ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун бундай талабларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш лозим. Фуқароликни ҳуқуқий тартибга солиш бугунги кунда асосан икки поғонали, (Фуқаролик кодекси – махсус қонунлар) баъзан уч поғонали (Фуқаролик кодекси – махсус қонунлар – алоҳида қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари) шаклида намоён бўлади. Масалан, гаров муносабатлари уч поғонали ҳуқуқий тартибга солиш механизмига эга. Фуқаролик кодекси – гаров тўғрисидаги қонун – ипотека ва гаров

реестри тўғрисидаги қонунлар ва ҳоказо. Муаллифлик ҳуқуқида ҳам шундай ҳолат кузатилади. Фуқаролик кодекси — муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун — ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ва ҳ.к. Ворислик муносабатларида эса бевосита Фуқаролик кодексининг ўзи асосий тартибга солувчи манба бўлиб ҳисобланади. Албатта, кўп поғонали ҳуқуқий тартибга солиш механизмидан воз кечиш тўғрисида масала қўйилиши мумкин, бироқ буни амалда бажариш мумкинлигига шубҳа туғилади. Асосан икки поғонали тизимни сақлаб қолиш ва бунда Фуқаролик кодекси билан махсус қонунлар ўртасида нисбатни, уларнинг таъсир доирасини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда илмий асосланган, ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун қулай бўлган ёндашувлардан келиб чиқмоқ лозим. Фуқаролик кодексида асосий тушунчалар, принциплар, категориялар субъектлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш воситалари ва усуллари белгилаб қўйилмоғи шарт. Энг асосийси, Фуқаролик кодекси билан алоҳида қонунлар ўртасида бир-бирини такрорлашларга ва айни пайтда зиддиятларга ва турлича талқин қилишга сабаб бўладиган нормалар бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Бугунги кунда бутун дунёда тижорат муомаласида англо-саксон ҳуқуқ конструкциялари кенг қўлланмоқда. Биринчидан, бу конструкциялар энг замонавий юридик техника асосига қурилган, иккинчидан, тарафларга максимал даражада мустақиллик ва ташаббус кўрсатишга имкон беради, натижада улар ўзлари учун мақбул бўлган хатти-ҳаракат ва хулқ-атвор моделини танлаб олиш имкониятига эга бўладилар. Ушбу конструкцияларни Фуқаролик кодексига бевосита киритиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлайман. Мамлакатимизда охириги Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларга эга бўлган ЎзЛиДЕП сайловчилар ва электорат учун тайёрлаган дастурий ҳужжатларига тадбиркорлик соҳасида қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва кодификациялаштириш муаммоларини ҳал этишни киритганлар. Жумладан, Тадбиркорлик кодекси ёки Тижорат тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқиш шулар жумласидандир. Агар бу амалга оширилса, Фуқаролик кодекси ва Тижорат-Тадбиркорлик кодекси ўртасидаги нисбат масаласини белгилаш муаммоси вужудга келади. Биринчи галда цивилистика фани ва бизнес ҳуқуқи унинг назарий-методолик асосларини ишлаб чиқиши талаб этилади. Эҳтимол англо-саксон ҳуқуқ тизимининг замонавий конструкциялари тўғрисида махсус қонун қабул қилиш ўринли бўлади. Лекин, бундай махсус қонун қабул қилинмаганда ҳам мамлакатимиздаги тижорат субъектлари инглиз



конструкцияларини қўллашга ҳақлидирлар. Чунки, қонун буни таъқиқламайди, ҳатто шартнома тарафларининг ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикасига тааллуқли субъект бўлсалар ҳам, хорижий мамлакатлар қонунларидаги шартнома конструкцияларини қўллашга ҳақлидирлар (муайян истисноларни ҳисобга олган ҳолда).

Ҳаёт шиддати кундан-кунга ортиб бормоқда, баъзи ҳолларда тарафларнинг келишуви ва келишувни бажариш ҳаракатлари (олди-сотди, иш бажариш, хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) тез, осон ва содда тартибда амалга ошиши талаб этилади. Масалан, мева-сабзавотлар бўйича экспорт контрактларида мукамал тузилган 25-30 саҳифадан иборат бўладиган шартлар ўрнига инвойсинг мавжуд бўлиши кифоялиги тўғрисида таомиллар белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори”да интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахсларга (фрилансинг) бир қатор ҳуқуқлар берилган.

Бу ҳолат, яъни соддалаштирилган ихчам шартномалар, шунингдек, смарт контрактлар Фуқаролик кодексининг аъъанавий ёндашувларидан четга чиқади. Бироқ, уларни амалиётда кенг қўлланаётганидан келиб чиқиб, махсус нормаларда белгилаб қўйиш давр талабидир.

Амалдаги Фуқаролик кодексига энг муаммоли масалалардан бири битимларнинг ҳақиқий эмаслиги асослари ва унинг оқибатларини қўллаш масалалари эди. Бунга кўра, битим ҳақиқий эмас деб топилганидан кейин муқаррар равишда унинг ҳақиқий эмаслик оқибатлари қўлланиши шарт. Уй-жойлар, автомашиналар билан боғлиқ битимларда инсофли эгалловчини чув тушиш ҳолатлари кўп учрар эди. Лойиҳада МДХ мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб судга битимни ҳақиқий эмас деб топган ҳолда, муайян асослар мавжуд бўлганда ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўлламасликка имкон берилиши назарда тутилган. Бу албатта жуда катта ижобий силжиш. Бироқ, муаммо охиригача ҳал бўлмаган. Битимларни ҳақиқий эмас деб топилишида учта масала ечими назарда тутилиши лозим. Ҳақиқий эмас деб топилган битим бўйича мол-мулк кимда қолади, ким компенсация олади (компенсация тизимини ҳам жорий этиш лозим) ва битимни ҳақиқий эмаслиги асос бўлган ҳаракатларни содир этган ноинсоф томон учун қўлланадиган жавобгарлик чоралари.

Битимлар бўйича Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси ва Солиқ кодекси таъсир доираларини чегаралаб қўйиш Жиноят кодексининг 175-моддасига кўра наф келтирмаслиги аён бўлган битим тузиш жиноий жавобгарликка сабаб



бўлади. 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ 405-сонли Қонун асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 171¹-модда киритилган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф битим тузиш учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган. Демак, муайян битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ЖК ва МЖКларнинг таъсир доирасида турибди. Солиқ кодексининг 14-моддасида ҳам битимларнинг иқтисодий мазмуни ва уларни юридик жиҳатдан расмийлаштириш масалалари белгилаб қўйилган. Ушбу норманинг биринчи қисмига кўра, солиқ идоралари битимларни юридик расмийлаштириш усулидан ёки шартноманинг номлашидан қатъи назар, битимга ўзининг ҳақиқий иқтисодий мазмунидан келиб чиққан ҳолда баҳо беради. Солиқ имтиёзи олиш, солиқдан қочиш ёки унинг суммасини камайтириш учун тузилган битимлар ҳуқуқни суиистеъмол қилиш сифатида баҳоланади. Тўғри ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг, битим қалбакилигининг, кўзбўямачилик учун тузилганлигининг ҳолатларини аниқлаш, шунингдек, уларнинг оқибатларини қўллаш солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда эса солиқ органларининг даъвоси бўйича суд томонидан амалга оширилади. Бундан кўриниб турибдики, солиқ идоралари битимларни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича фактик ваколатларга эга бўлмоқда. Иш судга етиб боргунча солиқ идорасининг нуқтаи назари амалда бўлади. Фуқаролик кодексининг асосий тамойилларидан бири — акси исботланмагунча фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг инсофлиги назарда тутилиши тўғрисидаги презумпцияга путур етмоқда. Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича Фуқаролик кодексининг етакчи мавқеига путур етказиш, буни оммавий ҳуқуқ соҳасига ўтказиш қай даражада адолатли ва мақсадга мувофиқ деган савол туғилиши табиий.

Давоми кейинги сонда



Шодиёр ШАЙЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратура
Академияси ўқитувчиси

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ИШТИРОКЧИЛАРНИ РАД ҚИЛИШ

АННОТАЦИЯ

Маъмурий суд ишларини юритишда рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) институтининг илмий ва амалий жиҳатлари миллий ва хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги асосида ҳуқуқий таҳлил қилиниб, бу борадаги суд амалиёти ўрганилиб, муаллиф томонидан назарий тушунчаларга таъриф берилган.

Калит сўзлар: маъмурий суд, рад қилиш, ўзини-ўзи рад қилиш, рад қилиш асослари ҳақида ариза.

АННОТАЦИЯ

Автором произведен правовой анализ в области научных и практических аспектов института отвода (самоотвода) в административном производстве на основе национального и зарубежного законодательства, а также изучена судебная практика и определены теоретические положения.

Ключевые слова: административный суд, отвод, самоотвод, заявление об отводе.

ANNOTATION

The research and practical aspects of refusal (self-refusal) in administrative proceedings are legally analyzed on the basis of national and foreign legislation, the court practice in this area is studied and the theoretical concepts are defined by the author.

Keywords: administrative court, refusal, self-refusal, applications on refusals.

Маъмурий суд ишларини юритишда процесс иштирокчиларини рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) институтининг пайдо бўлиши қадимги Римга бориб тақалади. Машҳур рим ҳуқуқшуноси Цицерон, римликлар рақиблари билан ўзаро келишган ҳолда низони ҳал этувчи судьяларни сайлаганликларини ва уларни рад этиш ҳуқуқи мавжуд бўлганини кўрсатиб ўтган¹.

Р. Куйбида ва В. Шишкин ушбу институт тузилиши жиҳатидан содда эмаслигини, чунки, бу тарафлар ва судьялар ўртасида ноаниқликлар борасида тортишувнинг бир кўриниши эканлигини таъкидлайдилар².

Ю. Шумченко ва В. Аверьянов судья ва маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларини рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) институтини қонун устуворлиги принципи ва уни алоҳида маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида амалга ошириш хусусиятлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиши лозимлигини, шунингдек, суд процесси иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини чуқур таҳлил қилиши, шу билан бирга судьяга нисбатан қонун устуворлигини таъминлаш, “барча иштирокчиларга нисбатан ахлоқий қоидаларга риоя қилиш” лозимлигини таъкидлаб ўтади³.





Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларини рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) ҳолати ҳар томонлама ўрганилиши, ишнинг адолатли ҳал этилишига ва қонуний қарор қабул қилинишга таъсир кўрсатмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси”нинг 21-22-моддаларида судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлиси котибини рад қилиш тартиби ва ўзини-ўзи рад қилиш ҳақида норматив қоидалар белгиланган. Шу ўринда рад қилиш ва ўзини-ўзи рад қилиш тушунчаси мазмунига тўхталиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, маъмурий суд ишларини юритишда иштирокчиларни рад қилиш ишнинг кўрилиши натижасида манфаатдор бўлган шахслар томонидан судья, прокурор, бошқа процесс иштирокчиларига нисбатан улар иштирокида ишни кўриб чиқиш имкони мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризадир. **Ўзини-ўзи рад қилиш** эса судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлиси котибининг суд ишларини юритиш жараёнида қонунда назарда тутилган асослар бўйича ишни кўришга ёки кўришга қодир эмаслиги ҳақидаги асослантирилган аризасидир. Маъмурий суд ишларини юритишда судьяни рад қилиш ҳамда айрим манфаатдор шахслар томонидан суд қарорининг қонуний ва асосли бўлишига ҳалақит бериш орқали судьяга ташқи омиллар натижасида таъсир кўрсатилиши оқибатида вақтдан ютиш ёки ишни чалғитишга бўлган уринишлар учраб туради. Афсуски, амалиётда баъзи бир судьяларнинг тажрибасизлиги ишда иштирок этувчи шахсларга бундай имкониятлар яратади. Пировардида эса ишда иштирок этувчи шахслар тўлиқ жалб қилинмаслик

ёки асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши ҳолатлари содир бўлади.

Таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатлар қонунчилигида судья ўзини-ўзи рад қилиш ва судьяни рад қилиш асослари алоҳида-алоҳида келтирилган. Мисол учун, Озарбайжон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 18-моддасида⁴, Финляндия Республикаси Маъмурий процессуал қонунининг 28-моддасида⁵ судьянинг ўзини рад қилиш асослари алоҳида кўрсатилган бўлса, Қозоғистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 51-моддасида⁶, Қирғизистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 20-моддасида⁷, Украина Республикасининг МСИЮтКининг 36-моддасида⁸ судьяни рад қилиш ва ўзини-ўзи рад қилиш асослари биргаликда кўрсатилган. Мазкур нормалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам шу тартибда тизимлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг 21-моддасида судьяни ишни кўришига тўсқинлик қилувчи ҳолатлардан бири сифатида, маъмурий иш илгари кўрилганда судья сифатида иштирок этганлиги ва ишни кўришда унинг такрорий иштирок этишига қонун талабларига мувофиқ йўл қўйилмаслиги қайд этилган. Судья томонидан кўриб чиқилган маъмурий иш юқори инстанция судида кўриб чиқиладиганда ёки ушбу иш бекор қилиниб, қайта биринчи инстанция судида кўриб чиқиладиганда ёхуд бошқа ҳолатлар аниқланганда, судьянинг иштирок этишига йўл қўйилмайди ва бошқа судья томонидан процессуал ҳаракатлар олиб борилиши лозим.

Миллий қонунчилигимизда дастлабки суд ишида иштирок этган судьянинг суд ишини кўришда такрорий иштирок этишига йўл қўйилмаслик ҳолатлари МСИЮтК-

нинг 20-моддасида акс эттирилган. Бундан ташқари, ушбу кодекснинг 21-моддасида иш илгари кўрилганда прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлиси котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса, судьяни рад қилиш асос бўлиши белгилаб қўйилган.

Рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) институти маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида янги институт бўлганлиги боис, бу соҳада деярли изланишлар олиб борилмаган. Ҳуқуқ аналогияси асосида ўрганилганда, ҳуқуқшунос М. Мамасиддиқовнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқи доирасида “иш илгари кўрилган” тушунчасига, хусусан, “иш илгари кўрилган деганда – айна бир тарафлар ўртасида, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича келиб чиққан низолар юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини тушуниш лозимлигини кўрсатади”⁹, – деган фикрига тўлиқ қўшилаемиз.

Иш юзасидан муқаддам прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлиси котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида қатнашган мазкур шахслар судья бўлиб тайинланган ёки сайланганидан кейин айнан ўша иш бўйича судья сифатида ишни кўриб, низони ҳал этиш ваколатига эга бўлмайди. Миллий қонунчилигимизда гувоҳни рад қилиш ҳақида нормалар мавжуд бўлмаса-да, бу қонуннинг судьяга нисбатан татбиқ этилиши ишнинг холислигига ўз таъсирини кўрсатади. Бунда шунга эътибор бериш лозимки, судья иш бўйича гувоҳ сифатида процессга чақи-

рилмаган бўлса-да, лекин шу ҳодисанинг гувоҳи бўлган тақдирда ҳам татбиқ этилиши лозим. Бу каби қоидаларни Қирғизистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 20-моддасида ҳам учратиш мумкин¹⁰.

МСИЮТКнинг 21-22-моддаларига кўра, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлиси котиби ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлиши уларни рад қилиш учун асос бўлади. Бироқ, маъмурий қонунчилигимизда қариндошлик алоқаларининг даражаси белгилаб берилмаган.

Хорижий давлатлар қонунчилигида, масалан, Украина МСИЮТКнинг 36-моддаси 3-бандида агар ишда иштирок этувчи тарафлар ёки бошқа шахсларнинг оила аъзоси ёки яқин қариндошлари (эр, хотин, ота, она, ўғай ота, ўғай она, ўғил, қиз, ўғай ўғил, ўғай қиз, ака, сингил, буви, бобо, невара, фарзандликка олувчи, васий, оила аъзоси ёки ушбу шахснинг бошқа яқин қариндошлари) бўлиши судьяни рад қилиш учун асос бўлиши¹¹ тўғридан-тўғри кўрсатилган. Бу каби амалиёт Эстония Республикаси қонунчилигида ҳам бор¹².

Қонун чиқарувчи қариндошлик муносабатларининг қай даражада бўлишини белгиламаслиги иш жараёнига ўз таъсирини кўрсатиши табиий ҳол. Бошқа бир қонунга ҳавола қилиниши тарафларга ишни сунъий равишда узайтириш учун шароит яратишга имконият беради, холос. Шунинг учун ҳам қариндошлик муносабатларини аниқлашда қатъий ва аниқ ёндашув талаб этилади.

Маъмурий ишни кўриб чиқишда, судьяни юқорида кўрсатилган асослар билан рад этишда судьянинг ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндошлик даражасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқшунос олим М. Мамасиддиқов “Қариндошликнинг ҳар қандай даражаси судьяни рад қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, яқин қариндошлик муносабатлари ҳақида гапирганда, судьянинг турмуш ўртоғининг ота-оналари, қариндошлари, ўғай онаси ва бошқалар ҳам назарда тутилиши лозим”¹³, – деб фикр билдирган.

Бундан ташқари, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлиси котиби ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлиши ёхуд уларнинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжудлиги ҳам мазкур шахсларни рад қилиш учун етарли ҳисобланади. Бундай асосларнинг бартараф этил-



маслиги иш юзасидан ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз қарор чиқарилишига замин яратади. Шунингдек, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлиси котиби ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни холисона бажармаслиги, судни чалғитишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириши маъмурий ишларни нотўғри ҳал этилишига олиб келади.

Айниқса, судьяни бу каби асос билан рад қилиш ҳолатлари амалиётда кўплаб учрайди. Бироқ, манфаатдор шахслар судьянинг манфаатдорлигини ва унинг холислигига шубҳа туғдирувчи ҳолатларни аниқ далиллар билан исботлаб бериши шарт. Тарафларнинг умумий ёки ноаниқ фикрлар билдириши ишнинг кечиктирилишига олиб келади. МСИЮТКнинг муаммоларидан бири "шахсан", "бевосита" ёки "билвосита манфаатдорлик" тушунчалари ҳақида аниқ қоидалар баён қилинмаганлигида намоён бўлади.

Фикримизча, "шахсан", "бевосита" ёки "билвосита манфаатдорлик" тушунчаларининг аниқ чегарасини белгилаш долзарб масала ҳисобланади. Чунки, ушбу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Шахсан манфаатдорлик судьянинг маъмурий ишни бир томонлама кўриши билан боғлиқ процессуал ҳаракатдир.

Бевосита манфаатдорлик моддий ёки бошқа қимматликларга эга бўлиш мақсадида шахсий манфаатни устун қўйган ҳолда маъмурий иш кўрилиши натижасида фойда олишга бўлган ҳаракатдир. Билвосита манфаатдорлик эса судьянинг ишда иштирок этувчи шахсларга, уларнинг вакилларига хизмат юзасидан муқаддам қарам бўлганлиги ёки шахсий ёхуд дўстона муносабатларнинг мавжудлиги, яқин қариндошлари орқали манфаатдор бўлишидир.

МСИЮТКнинг 21-моддаси 5-бандида ишни кўраётган ҳайъат таркибидаги судьянинг қариндоши бўлган, судьяни рад қилиш асослари ҳам кўрсатилган. Бу асос билан судьяни рад қилиш учун маъмурий иш юқори инстанция судларида кўрилаётган бўлиши муҳим шarti ҳисобланади. Мисол учун, апелляция инстанциясида иш кўрилаётган вақтида тарафларнинг бири ҳайъат таркибида ишни кўраётган судьялардан бирининг қариндоши бўлса, судьяни рад қилиш учун асос бўлади.

Шу ўринда савол туғилади, бундай ҳолатда бутун суд таркиби рад қилиниши керакми ёки фақат ўша судьянинг ўзи рад қилиниши лозимми? Албатта, ушбу ҳолатда фақатгина қариндошлик алоқаси мавжуд бўлган судьяни рад қилиш лозим. Рад қилиш (ўзи-



ни-ўзи рад қилиш) тўғрисидаги ариза маъмурий ишни кўриб чиқиш бошланғунига қадар ёки ишни кўриш жараёнида берилиши мумкин, уни кўриб чиқиб, ҳал этиш тартиби МСИЮТКнинг 23-25-моддаларида назарда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) ҳолатларининг вужудга келишида субъектив ва объектив омилларнинг ўрни бор, дейиш мумкин. Мазкур институт ишининг холислиги ва ҳаққонийлигини таъминлаши билан бирга маъмурий суд ишларини ўз вақтида кўриб чиқилишига ҳам таъсирини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пухта Г.Ф. История Римского права. М.: Семена, 1864. - 224 с.
2. Куйбиди Р.О., Шишкин В.И. Основы административного судопроизводства та административного права: навч. посібник / -К.: Старий світ, 2006. - С. 275
3. Принцип верховенства права: проблемы теории та практики: у двох книгах / (за аг. ред.. Ю.С.Шемчушенка; відпов. ред. В.Б.Авер'янов). - кн.. друга: Принципи верховенства права у діяльності держави та в административному праві. - К.: Конус, 2008. - с. 122
4. Сборник законодательных актов по административному судопроизводству / 3-е издание -М.: Инфотропик Медиа, 2018. - 11с
5. Сборник законодательных актов по административным процедурам / (GIZ Германское Общество по Международному Сотрудничеству), -Ташкент: "AbuMatbuotKonsalt", 2013, - 371с
6. <http://www.adilet.gov.kz>
7. Сборник законодательных актов по административному судопроизводству / 3-е издание -М.: Инфотропик Медиа, 2018. - 339с
8. <http://search.ligazakon.ua>
9. Мамасиддиқов М.М.Фуқаролик процесси: Ўқув қўлланма – Тошкент: Baktria press, 2014. – 263 б
10. Сборник законодательных актов по административному судопроизводству / 3-е издание -М.: Инфотропик Медиа, 2018. - 339с
11. Сборник законодательных актов по административной юстиции / 2-е издание -Ташкент: "NORMA", 2013, - 528с
12. Сборник законодательных актов по административным процедурам / (GIZ Германское Общество по Международному Сотрудничеству), -Ташкент: "AbuMatbuotKonsalt", 2013, - 418с
13. Мамасиддиқов М. М. Фуқаролик процесси: ўқув қўлланма / -Тошкент: Baktria press, 2014. - 264 б.



Файзулла АЛИМОВ,
Адлия вазирлиги
хузуридаги Юрист-
лар малакасини
ошириш маркази
кафедраси мудири

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ОИД ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Дунё давлатларининг бугунги коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ амалиёти шундан далолат бермоқда-ки, кўплаб давлатлар қонунчилигида тинимсиз равишда мансабни суиистеъмол қилишга оид жиноятларга қарши курашнинг оптимал чора-тадбирларини топишга уринишлар давом этмоқда. Ушбу жиноятлар тоифасига кирувчи порахўрлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, мансаб сохтакорлиги учун кўплаб мамлакатлар қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган.

Агарда англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатлар коррупцияга оид қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, унда Америка Қўшма Штатлари қонунчилигига мансабдор шахслар жиноятлари билан боғлиқ қонунларга ҳам федерал даражада, ҳам айрим штатлар даражасида жиддий ўзгаришлар киритилганлигига гувоҳ бўлаемиз. Шу билан бир вақтда инглиз қонунчилигининг одатий қоидалари, айниқса мансабдор шахсларнинг мақомини белгилувчи процессуал қонунчилик нормалари, албатта, ўзбек ҳуқуқшуносларида қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

1962 йил АҚШда Америка Намунавий Жиноят кодекси ишлаб чиқилиб, у намуна сифатида барча штатлар жиноят қонунчилигида ислохотларни амалга ошириш учун тавсия қилинди. Бу кўпгина штатлар қонунчилик фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилиб, улар томонидан янги Жиноят кодекслари қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса-да, турли штатлар қонун чиқарувчи органлари намунавий Жиноят кодекси тавсияларига кўр-кўрона амал қилмасдан, ўз қонун ижодкорлиги фаолиятини намойиш этиб, масалага турлича ёндашишган. Шунинг учун, штатлар Жиноят кодексларида бир қатор ҳуқуқий институтлар бир-бирдан жиддий фарқ қилади.

АҚШ Қонунлари тўпламининг 18-бўлимида коррупция билан боғлиқ мансабдорлик жиноятлари учун, асосан, қуйидаги тўртта бобда: 11-боб – “Оммавий мансабдор шахс томонидан порахўрлик, ноқонуний фойда ва хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш”; 29-боб – “Сайловлар ва сиёсий фаолият”; 41-боб – “Товламачилик ва кўрқитиш”; 93-боб – “Мансабдор шахслар ва ёлланган хизматчилар” жавобгарлик белгиланган. 11-бобда кўрсатилган пора олиш жиноятлари субъектлари сифатида қуйидаги уч тоифадаги мансабдор шахслар тушунилади:

1. *Оммавий мансабдор шахслар, улар қаторига АҚШ Конгресси аъзолари, доимий комиссия аъзолари, хизматчилари, ёлланган ходимлар ёки АҚШ номидан ҳаракат қилиш ваколати ёки вазифаси юклатилган, ижроия ҳокимияти департаменти, ваколатхона ходимлари ҳамда присяжнийлар;*

2. *Оммавий мансабдор шахс мажбуриятини бажариш учун танлаб олинган номзодлар ёки тайинланганлар, агар улар ўзларини шу танловда қатнашганликлари ёки тайинланганликлари тўғрисида расман огоҳлантирилган бўлсалар;*



Чарос ЮЛДАШЕВА,
Адлия вазирлиги
хузуридаги “Адолат”
миллий ҳуқуқий
ахборот маркази
бош маслаҳатчиси

3. *Махсус ҳуқумат хизматчилари федерал қонунчилик ва ижроия ҳокимияти хизматчилари ҳамда уларга кўмаклашувчи жамоатчилик вакиллари, АҚШ мустақил органларида ҳақ эвазига ёки ҳақсиз йилга 130 кундан кам бўлмаган муддатда ишлаётганлар.*

Федерал даражадаги мансабдорлик жиноятларига банк хизматчиларининг федерал банк тизимига ноқонуний ҳаракатлари билан етказиши мумкин бўлган зарарлар ҳам киради. Федерал захира тизими, Федерал суғурта компанияси, Миллий қишлоқ хўжалик кредит корпорацияси тизимига кирувчи мансабдор шахслар, директорлар ёки ёлланган ходимлари кредит берувчи банк ходимига “чой пули” берса, 5000 АҚШ доллари миқдоридан жарима ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Худди шундай жазо “чой пули” олган банк ходимига нисбатан ҳам қўлланилади (\$212, 213). Ҳар қандай банк ходими маблағи Федерал суғурта компаниясида суғурта қилинган шахсга, Федерал банкда ёки Миллий қишлоқ хўжалик кредит корпорациясида кредит берувчи хизматчи “чой пули” ёки совға эвазига фирмага ёки корпорацияга кредит олишга кўмаклашса ҳам юқоридаги тартибда жавобгарликка тортилиши назарда тутилган (\$215)¹. Конгресснинг барча палаталарида, департаментида ёки кўмиталарида эшитилаётган шахсни ёлгон қасамёд қабул қилишга қаратилган ҳар қандай бевосита ёки билвосита ҳаракатлари ҳам пора бериш ҳисобланади.

Пора олувчи сифатида юқоридаги тоифага кирувчи мансабдор шахслар эътироф этилади. Оммавий мансабдор ҳисобланган шахс, қонун бўйича юклатилган мажбуриятларига зид равишда бевосита ёки билвосита сўраш, талаб қилиш, таъмагирлик, ялиниш орқали ўзи учун қандайдир қимматли буюмни пора эвазига олишга эришади, келишади, олади, шартнома тузади ва шу орқали ҳозирда ёки келажакда пора берувчи манфаати учун бирор бир ҳаракатни қилиш ёки қилмаслик порахўрлик жиноятини содир этади. Пора олувчи ва пора берувчи шахс 10 000 АҚШ долларигача жарима ёки 2 йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Қуйида АҚШнинг фақат иккита штати ЖК мансабдорлик жиноятларининг айримларини таҳлил қиламиз.

Нью-Йорк штати ЖКда порахўрлик жинояти таркиби қилмишининг оғирлик даражасига қараб учта тас-

нифи берилган. Бу ерда федерал ва бошқа штатлар жиноят қонунчилигидан фарқли равишда пора олиш ва пора бериш жиноятлари алоҳида махсус таркибли жиноятлар ҳисобланади. Юқоридаги порахўрлик жиноятининг учта таснифидан келиб чиқиб, Нью-Йорк штати ЖК пора олиш ва пора бериш жиноятларини ҳам учта махсус таркибга ажратади (§200.20-200.15).

Қонунда кўрсатилмаган ҳар хил “чој пули” ва совға олиш алоҳида жиноят таркибига ажратилмасдан порахўрлик жинояти таркибига қўшилган (§200.20, 200.22, 200.25, 200.27, 200.30, 200.35). Бошқа жиноят таркиби сифатида эса оммавий мансабга ўтириш мақсадида пора бериш келтириб ўтилган бўлиб, унинг субъекти “оммавий хизматчилар” ҳисобланади.

Калифорния штати ЖКда мансабдор шахслар жиноятчилигини ўзгача кўринишдаги тизими мавжуд ва улар қуйидаги гуруҳларга бўлинган:


1. Штатнинг ижроия ҳокимият вакиллари томонидан ижроия ҳокимият манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар;

2. Қонун чиқарувчи ҳокимият манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар.

Биринчи гуруҳга порахўрлик, ноқонуний йўл билан фойда, совға ёки мукофот олиш, ижроия ҳокимият мансабдор шахслари, хизматчилари томонидан талаб этиш ёки олишни таъқиқлаш, мукофот таклиф қилиш ёки олиш, шунингдек, мансабга тайинлаш эвазига мукофот олиш каби жиноятлар киради.

Иккинчи гуруҳга фақат қонун чиқарувчи ҳокимият соҳасидаги пора олиш ва пора бериш жиноятлари алоқадор. Пенсильвания штати ЖКда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги “Оммавий бошқарув тартибига қарши жиноятлар” бўлимида берилган (ЖКнинг 45-53-бўлимлари) ва порахўрлик, одил судловга қарши жиноятлар, ҳукумат ҳаракатига тўсқинлик қилиш, жазони ўташ жойларидан қочиш ва хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш каби жиноятларни қамраб олган. Англияда ҳуқуқ тизими умуман кодификация қилинмаган, шу сабабли бу давлатда ҳуқуқ тизими манбаси сифатида ёки парламент томонидан қабул қилинган актлар (статут ҳуқуқи) ёки прецедент ҳуқуқи (умумий ҳуқуқ) эътироф этилади.

Англияда қабул қилинган жиноий-ҳуқуқий таълимотга кўра, мансабдорлик жиноятлари битта гуруҳга бирлаштирилиб, “мансабдор шахслар ва улар фаолияти билан боғлиқ жиноятлар” деб номланади. Хусусан, шундай тасниф “Хэлсбери 2” - деб номланган “Англия қонунлар тўплами”да қабул қилинган. Ушбу тўпламда жиноят ҳуқуқига иккита: 11 (1) ва 11 (2) томлар ажратилган. 11(1)-томнинг 7-бобида мансабдорлик жиноятлари киритилган бўлиб, улар қуйидаги тўртта таркибни қамраб олади: 1. Порахўрлик; 2. Мансабни сотиш ва мансабдор шахсни таъқиб қилиш (обструкция); 3. Оммавий мансабдор шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажармаслик; 4. Алоҳида мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар. Англия ҳуқуқ тизими порахўрлик жиноятларига қарши курашга жиддий эътибор қаратиб, асосий қонунларида ҳам, умумий



ҳуқуқ (прецедент)да ҳам бу жиноят учун жавобгарликни кенг маънода талқин қилган. Умумий ҳуқуқ нормаларидан ташқари, порахўрлик тўғрисидаги жиноят қонунчилигининг ўзи қуйидагилардан иборат: 1889 йилги порахўрлик ва оммавий ташкилотлар, 1906 ва 1916 йиллардаги коррупциянинг олдини олиш ва 1983 йилги парламент ва маҳаллий органларга сайловлар жараёнида овозларни сотиб олишга қарши қаратилган халқ ваколатчилиги тўғрисидаги қонунлар. Умуман, юқорида келтириб ўтилганларга ўхшаш қонунлар тез-тез янгиланиб туриши Англия ҳуқуқ тизимида хос белги ҳисобланади. Масалан, мансаб сохтакорлиги тўғрисидаги тушунча дастлаб инглиз умумий ҳуқуқида шакланган. Жумладан, 1809 ва 1914 йиллардаги прецедентларда келтириб ўтилган манбаларга кўра, порахўрлик жиноятининг мазмуни кимдир ишни ўз фойдасига ҳал этиши учун мансабдор шахсни ўз хизмат вазифасига зид ҳаракатларни содир этишга мойиллик уйғотиш мақсадида пора беришда ёки мурувват кўрсатишда ёки хизмат вазифасини бажариш жараёнида мурувват кўрсатишдан ўзини тийиб туришда ифодланади ва мансабдор шахс шу мақсадда пора олади. Порахўрлик жинояти умумий ҳуқуқ талабларига кўра, вакиллик судлари томонидан кўриб чиқилиши белгилаб қўйилган. Ушбу жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш ва жарима жазолари қўлланилиши белгиланган, лекин 2 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Инглиз умумий ҳуқуқи алоҳида жиноят таркиби сифатида судьяга ёки суд ходимида пора бериш жинояти учун жавобгарликни белгилаб қўйган. Пора берувчи шахс судьяга, суд ходимида, магистрантга уларнинг хизмат ваколатига кирувчи ҳаракатни унинг манфаати йўлида содир этиши учун пора сифатида қандайдир совға ёки пулни олиб, жиноят содир этса, суд қарорига кўра белгиланган муддатга (2 йилгача) озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга оид жиноятларга қарши муросасиз кураш масаласи ривожланган демократик мамлакатларнинг қонунчилигида ҳам алоҳида белгиланган. Чунки, коррупция жамият ва давлат тараққиётига зарба берадиган салбий омиллардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Никифоров Б.С., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. М.: Наука, 1990. С. 159.
2. Қаранг: Halsbury's Laws of England. V.11(1).§ 281- 296. L., 1990.

Қозининг доно қарори

Халифа Али ибн Абу Толиб (р.а.) қимматбаҳо советини йўқотиб қўйди. Кўфа бозорини айланиб юрганида уни бир зиммийнинг қўлида кўрди. Халифа совет уники эканини, зиммий эса совет унинг қўлида турганини, бермаслигини айтади.

Низо туфайли қози Шурайх хузурига боришади. Қози Халифанинг сўзларига шубҳа қилмаслиги, бироқ исбот тариқасида икки гувоҳ кўрсатилиши кераклигини айтади. Шунда Халифа Қанбар исмли инсон ва ўзининг ўгли Ҳасан гувоҳлик беришини билдиради.

- Ўғилнинг отага гувоҳлиги ўтмайди, дейди қози.

- Сен жаннат аҳлидан бўлган кимсанинг гувоҳлигига ишонмайсанми? Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳасан ва Хусайннинг жаннат аҳли йигитлари саййидлари эканини айтган.

- Эшитганман. Аммо, боланинг отага гувоҳлиги ўтмайди, дейди қози қатъий.

Халифа зиммийга қараб советни олишини айтади. Ҳолатдан таъсирланган зиммий:

“Лекин, мен ўзим бу совет сизники эканига гувоҳлик бераман. Халифа ўз қозиси хузурида ҳақ-хуқуқ талашиди. Қози Халифага қариши ҳукм чиқарди. Мен бу дин ҳақ эканига ишонаман. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг расулидир.

Эй қози жаноблари, совет ростдан ҳам амирул-мўмининикидир. Мен уни йўлда топиб олгандим”, – дея иймон келтиради ва даъвоси йўқлигини айтади.

Шунда Халифа: “Сен муслмон бўлдинг. Совет сенга совга. Мана бу отни ҳам қўшиб бераман. Олақол!” – дейди.

Қозилик (ҳозирги кунда судьялик) жуда масъулиятли иш. Ким бўлишидан, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар низода бошқалар билан тенг ҳуқуқлидир. Судья чиқарган ҳар бир ҳукм, қарор учун жавоб беради...

ҚОЗИЛИК СУДЛАРИ: ТАРИХДАН САБОҚЛАР



**Жамолиддин
АБДУРАҲМОНХҲУЖАЕВ,**
юридик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

Ўтмишда ҳам қозиликка тайинланадиган шахсларга ўзига хос талаблар қўйилган. Хусусан, Умар ибн Абдулазиз қозиларни тайинлашда куйидаги ғояга амал қилган, яъни: “Қозида беш хислат бўлса, у мукамал бўлади: ўзидан олдингилар ҳақида илм, таъмадан сақланиш, томонларга нисбатан юмшоқлик, имомларга иқтидо қилиш ва аҳли илм билан маслаҳатлашиш”¹.

Шариатда баъзи ҳуқуқ мактаблари фақиҳлари фикрича, қозилик лавозимига фақатгина эркак киши тайинланиши жоиз бўлган. Чунки, улар аёлларнинг овози ҳам “номахрам” ҳисобланиб, умуман қози бўлишга йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат сифатида қараганлар. Бироқ, қозиликка қўйиладиган талаблардан фарқли равишда машҳур фақхшунос аллома Ал-Мовардий “Ал-Аҳком ас-султония вал-валоёт ад динийя” асарида қозиликка тайинланадиган шахсда мазкур етти шартнинг мавжуд бўлиши ҳақидаги таълимотни асослаб берган. Ушбу талабларга: 1) Эркак бўлишлик; бироқ Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, аёллар шохидликлари мўътабар бўлган мавзуларда аёллар қози бўла олура. Ибн Жарар ат-Табарий аёл ҳар хусусда ҳоким-қози бўлиши мумкин деб ҳисоблаган. 2) Зако (кучли англаш қобилияти); 3) Хуррият (озод, мустақил, эркин); 4) Мусулмонлик; 5) Адолат; 6) Вужуд сиҳҳати, кўз ва кулоғининг соғлом бўлмоғи; 7) Ҳуқуқий билим: Қози Усул ва Фуруъ (Қуръон, Суннат, Ижмоъ, Қиёс, Рай) каби билимларни билиши шарт ва зарурлиги² таъкидланган. Бу билан қозиликка юксак қобилиятли, одоб-ахлоқли, ўз билимига ишонган ҳар томонлама соғлом шахсларгина тайинланганлигини кўрсатади.

Қозилар ҳақидаги ўзига хос таълимотнинг вужудга келиши ва ривожланишида “Ҳидоя” (Бурхониддин Марғиноний) асарининг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Жумладан, китобда “Қозиларнинг мажбуриятлари ҳақида”, деб номланган махсус боб бўлиб, унда шариат судлари – қозиларнинг бурч ва мажбуриятлари, уларга берилган ваколатлар, қўйилган талаблар, қозиларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳукм чиқариш билан боғлиқ масалалар мустаҳкамланган. Хусусан,

қозилар олдига унча мураккаб бўлмаган оддий касбий ва инсоний талаблар қўйилган. Қозилик вазифасига шундай кишилар тайинланмоғи лозимки, у киши шу вазифани бажариш, қарорлар қабул қилиш, олий даражада адолатли бўлиш муҳим бўлганлигини кўрсатади. Қолаверса, унда қандай шахслар қози бўла олмалиги ҳам қатъий равишда ўз ифодасини топган. Шунингдек “...агар қозиликка тайинланаётган шахс озод ва соғлом, мусулмон бўлмаса, вояга етмаган, тухматда айбланган бўлса, унга бу вазифа берилмаган”³. Шу билан бирга, ўтмишда ўзининг билими ва қобилиятига ишонмайдиган ва қабул қиладиган қарорларининг адолатлилигига шубҳаланадиган шахсларга қозилик лавозими берилмаган.

Қозилик лавозимига тайинланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар хусусида тарихчи ва ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли баҳс ва мунозарали қарашлар мавжуд. Хусусан, М. Хамидова “Қозилар ижтиҳод, яъни олий қонун илмини билишлари шарт бўлмаган”⁴ деб ёзади. Бироқ бу фикр етарли асосга эга эмас. Чунки, қози энг аввало, фикҳ илмининг барча сир-асрорларини юқори даражада билиши лозим бўлган. Агар қози бу ҳақда етарли билимга эга бўлмаса, унга бундай масъулиятли лавозим ишониб топширилмаган. Бу ҳақда Ф. Бакиров таъкидлаганидек, “Қози бўлиш учун шариатни яхши билиш шарт эди”⁵. Ф. А. Муҳиддинова фикрича “...қози исталган шахс эмас, балки қози ақли расо, ҳуқуқ ва муомалага лаёқатли, фикҳ илмидан хабардор киши бўлиши мумкин бўлган”⁶. А. Ҳамроев хулосасига кўра, “Барча замонларда судьялик лавозимига ўз даврининг қонун қоидаларини, урф-одатларини пухта билган, маънавиятли, маърифатли шахслар тайинланган”⁷. И. Бекмирзаев баён этишича, “Қозиларни тайинлашда уларнинг шахсияти, илмий салоҳияти ва ахлоқига алоҳида эътибор билин қаралган”⁸. Ҳ. Аликулов нуқтаи назарича “одатда бу мансабни шариат қонунларини яхши билган киши эгаллаш ҳуқуқига эга бўлган. Ушбу лавозимга тайинлашда номзоднинг айниқса инсоний фазилатларига, донолиги, адолатпарварлиги ва ҳалоллигига катта эътибор берилган”⁹. Бироқ, Ш. Исломов қозилик “...вазифасига



тайинланадиган шахсдан, энг аввало, ростгўйлик ва адолат каби сифатларга эга бўлиш талаб этилган. Бундан ташқари, гувоҳдан саводхон бўлиши, қайдлар дафтарини тўғри тўлдириши ва соҳага оид ҳуқуқий билимларни яхши билиши ҳам талаб этилган¹⁰, деб таъкидлайди. “Судьялар ва ёрғучилар нуфузли, обрўли, илмли ва эътиборли кишилардан тайинланган¹¹.”

Қозиликка ҳар қандай шахс ҳам тайинланавермаган. Бу ҳол улар таркибини шакллантиришнинг ўзига хос ташкилий тузилиши амалда бўлганлигини кўрсатади. Шу аснода, биринчидан, қозилар ўз вазифасини сидқидилдан, виждонан, ҳалол, пок, шариат қонун-қоидаларига сўзсиз риоя қилган ҳолдагина амалга оширишлари талаб этилган бўлса, иккинчидан, ҳар бир қози ўз вазифасини бажаришда бошқа қозиларни ҳам адолат билан иш кўришга ундаши лозим бўлган. Шу билан бирга, қозиликка тайинланадиган шахсларнинг инсоний фазилатларига ва саводхонлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, қози лавозимини ўз обрўсига доғ туширмаган, илму идрокли ва шариат қонунларини етарлича билиши, яққол кўриниб турган жисмоний нуқсонни бўлмаган соғлом ва одил шахс тайинланиши мумкин бўлган.

Миллий давлатчилигимиз тараққиётида хусусан, ўрта асрларда Мовароуннаҳрда қозиларни танлаш, тайёрлаш ва тайинлаш тизими мавжуд бўлган. Жумладан, Ф. Бакиров Қози калон ҳам бошқа қозилар каби бевосита хон томонидан тайинланарди”, деб ёзади¹². Дарҳақиқат, қозилик мансабига номзод шахс босиқ табиатли, олий, дунёвий диний маълумотли, ислом қонуншунослигидан бохабар, обрўли шахслар орасидан танланган, уларнинг билим даражаси тегишли уламолар синовидан ўтказилгандан сўнггина бир қарорга келинган. Бу ҳол қозининг билими, малакасини синовдан ўтказиш ўша замонларда ҳам ғоятда муҳим аҳамият касб этган.

Султон бир кишига “мен сени қози қилдим” деса, у оддий қози бўлади ва ўз ўрнига ўринбосар тайин эта олмайди. Аммо “мен сени қози

ал-қузот, яъни бош қози қилдим” деса, у бошқа оддий қозиларни тайинлаш ва ишдан озод қилиш ҳуқуқига эга бўлган¹³. Бироқ, ўринбосар олишга рухсати бўлмаган қози ўринбосар олган тақдирда, у қози ҳузурда ҳукм чиқарсагина, ҳукми амалга ўтган. Агар ўринбосар қози ҳузурда ҳукм чиқарса ва бу ҳукм қози розилик билдирса, ҳукм амалда татбиқ этилган¹⁴. М. Хамидова “... ўринбосар ҳукмдор (давлат бошлиғи)нинг вакили ҳисобланган¹⁵” деб ёзади. Энг муҳими, “Қозининг ўринбосар олиш билан боғлиқ ваколати ҳам султоннинг унга берган ҳуқуқи билан амал қилган. Масалан, қози бетоб бўлган ҳолатларда ёки сафарда бўлган кезларида ҳам ишни ўринбосарига топширишга қодир ҳисобланмаган. Агар султоннинг изни билан қози ўзига ўринбосар сайлаган ҳолатларида унинг ишдан олиниши фақат султон фармони билангина амалга ошган. Яъни, қозининг ўринбосари бевосита султоннинг изни билан тайин этилган ва вазифасидан четлатилган. Аммо, султон томонидан қозига ўзига ўринбосар тайинлаш ва уни ишдан бўшатиш ваколати берилган бўлса, қози мазкур ваколатга тўла эғалик ҳуқуқини қўлга киритган¹⁶.”

Бинобарин, қозиларни тайинлаш ваколатига нафақат давлат раҳбари томонидан, балки бош судья ҳисобланмиш қози-ал-қузот ҳам ваколатли бўлганлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида, ўтмишда қози ва унинг ўринбосарларини тайинлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилганлигидан далолат беради.

Қозиларни тайинлаш муддатида ҳам ўзига хос жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар одатда вақт билан белгиланмаган номуайян муддатга тайинланган. Қозиларни тайинлаш ва уларни алмаштириш ҳуқуқи фақатгина давлат раҳбари ваколатига тегишли иш бўлган. Шу боис қози ўз лавозимида иш юритишининг белгиси сифатида унга махсус ёрлиқ берилган бўлиб, қозиларни тайинлаш тегишли хужжат билан тасдиқланиб, гувоҳлар иштирокида халқ оммасига эълон қилинган. Барча қозилар ўзларининг мақоми бўйича ўзаро тенг бўлганлар. Ҳукмдор эса бу мансабга ўз мажбуриятларини бажарадиган ва адолат билан қарорлар чиқара оладиган шахсларни тайинлашда масъулиятли бўлган. Шунда ҳам қози ўз фаолиятини самарали амалга оширмаса, уни лавозимидан ҳукмдор томонидангина четлатиш мумкин бўлган. И. Бекмирзаев “Мовароуннаҳрда қозилар хон, амир ёки бошқа бир ҳудудий бошлиқлар томонидан тайинланган¹⁷” деган нуқтаи назарга асосланади. Қози суд ишларининг тўғри юритилишига бирламчи жавобгар шахс саналган¹⁸. Бундан ташқари, “Жоми ар-Румуз” китобида қозиликка қўйиладиган талаблар янада кенгроқ ёритилган бўлиб, унда қайд этилишича: агар қози унга қўйилган талабларга жавоб бермаса, у томонидан қабул қилинган қарорлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Агар давлат ҳукмдори қозиликка

нолойиқ кишини тайинласа, у ҳолда унинг барча ҳаракатлари ва қабул қилган қарорлари шариатга номувофиқ ҳисобланади ва унинг учун жавобгарлик қозини тайинлаган давлат ҳукмдорига тушади. Агар инсон қозилик лавозимига пора эвазига эришган бўлса, бундай ҳолатда у томонидан қабул қилинган барча ҳукм ва қарорлар ҳақиқий бўлмай, қабул қилинмаган ҳисобланади. Агар қози пора ёки обрўли қариндоши ёрдамида қозилик лавозимини эгалласа, бундай ҳолатда унинг фаолияти ва қабул қилган қарори ҳақиқий ҳисобланмайди. Агар қози пора олиб, фақат бир тарафнинг манфаатларини, жумладан, ўзига яқин инсонлар – қариндошлари, танишларини ҳимоя қилиб ҳукм чиқарса, бундай ҳолатда унинг барча қарори адолатсиз ҳисобланган, деб қаралган.

Ўтмишда қозиларга қўйилган талабларга қатъий амал қилиш бевосита улар томонидан қабул қилинадиган қарорларга узвий боғлиқ бўлган. Шу жиҳатдан қараганда, бугунги кунда судьялар корпусини шакллантиришда судьяликка номзодларни тарихий тажрибалар, миллий урф-одатлар, хулқ-атворлар ва анъаналар бўйича билим савияси даражасига баҳо бериш ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, глобаллашув шароитида, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва интернетнинг турли хил ижтимоий соҳалари миллий қадриятларимизга мос бўлишига, ҳаётий жараёнларга баҳо беришда судьяларнинг ролини янада ошириш объектив заруриятдир.

Тарихий-ҳуқуқий манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, судьялик қадимдан жуда қийин меҳнат ҳисобланган. Шу боис, Маждуддин ал-Уструшаний “қозилик девонининг асоси қарор эмас, балки у ерда тузиладиган ҳужжатлар деб ҳисоблаб, қозиликка номзод одам котиблик лавозимида ишлаган бўлишини шарт қилган”¹⁹. Бу эса ўтмишда бўлажак қозиларгина котиблик лавозимида иш бошлаганликларидан далолат беради. Қолаверса, қозиликка тайинланадиган шахслар ҳам билимига, ҳам амалий иш тажрибасига эга бўлишларига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрсатади.

Амир Темури ва Темурийлар даврида қозилар фаолияти ўзига хослик касб этган. Амир Темури “Лашкар учун махсус қози ва раият учун алоҳида қози тайинладим”²⁰ деб баён этади. Бу эса Темурийлар салтанатида қозиларнинг ўзига хос маълум маънода ихтисослашганлигидан далолат беради. Давлатчилик салтанатида қозилар фақатгина тайинланиш асосида лавозимни эгаллаганлигидан далолат беради. Бироқ, Амир Темури тўра-тузуқларида қонун устуворлигига хусусан, шариатга, уларни билувчи қозиларга катта ҳурмат билан эътибор берган. Амир Темури қозилар обрўси ва нуфузини юксак қадрлаган. Шу боис, қозилар салтанат тахтининг ўнг томонидан ўрин олганлар²¹. Бу эса қозиларнинг жамият ва давлат ҳаётида обрўси ва

нуфузи жуда юқори бўлганлигини кўрсатади. Тарихий босқичнинг кейинги даврларида, хусусан, Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Қози-ул-қуззот ўз лавозимига подшоҳ томонидан тайинланган бўлса, “вилоятлар, шаҳар ва туманларда қозилар бош қози томонидан тайинланарди”²².

Ҳуқуқий адабиётларда қозиларни тайинлаш масаласига оид турлича қарашлар мавжуд. Хусусан, Ш. Эшонова “Бухоро амири (Қўқон ва Хива) хонлари томонидан барча даражадаги қозилар тайинланган”²³ деб қайд этса, М. Хамидова “Хонликдаги барча вилоят, туман касаба, шаҳарларда хон томонидан тайинланган қозилар фаолият юритган”²⁴ деб ифода этади. Ушбу муаллифларнинг фикрлари баҳслидир. Чунки, бу соҳада махсус тадқиқот олиб борган М. Ахмедова “Қозилик судларида иш кўрадиган қозилар хон ва бек томонидан тайинланган”²⁵ деб ёзса, Ф. Бакиров “Қози калон, Қозиюл қузот (қозилар қозиси), амир ва хон томонидан тайинланган бўлса, Қозил аскарлий, Қози раис эса беклар томонидан тайинланган”²⁶ деб етарлича асослантирган. Бироқ, Хива хонлиги бўйича тадқиқот олиб борган Х. Мадримов “Қозилар қози калон тавсияси асосида бевосита хон ҳукми билан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этилган. Қози калон ўз ваколати доирасида қозиларни мансабга тайинлаш ишларини хон тасдиғига киритиб борган”²⁷, деб ифода этади.

М. Рустамбоев, У. Тухташева фикрларича, “Қози-калон хонлик, амирликнинг барча қозиларига раҳбарлик қилган. У янги тайинланаётган қозиларнинг номзодларини хон, амирга тасдиқлаш учун тақдим этиш, шунингдек, уларни синовдан ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган”²⁸.

Қайд этилган олимларнинг нуқтаи назарларидан фарқли равишда айрим манбаларда Бухоро амирлигида қозиларни маҳаллий амалдорлардан ва беклардан мустақиллигини таъминлаш мақсадида “бекликлар қозилари тўғридан-тўғри Бухородан тайинланган”лигини²⁹, Бухоро амирлиги бўйича илмий изланиш олиб борган Ж. Шодиев эса “вилоятлар қозилари тўғридан-тўғри Бухородан тайинланганлигини ва ўз фаолиятида бекдан





мустақил бўлган” деган³⁰ фикрни илгари суради. А. Нечаев “Маҳаллий қозилик идораси – барча бекликларда ушбу идоралар бевосита амир томонидан тайинланадиган қозилар томонидан бошқарилганлигини” аксинча, “қозилар маҳаллий бекдан (ҳоким) мустақил фаолият юритиб, муайян даражада бекликнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширган”³¹ деб қайд этади.

Хусусан, Б. Искандаров “амирликда суд ишлари шариат асосида олиб борилганлигини, қозилар ва аъламлар руҳонийлар таркибига кирганлигини, улар амир томонидан тайинланганлиги ва қозилик фаолияти қози калон томонидан бошқарилганлигини ҳамда суд ҳокимиятининг маҳаллий ҳокимиятдан алоҳида иш олиб борганлигини эътироф этади”³². Бу ҳақда Ж. Кунитс, ҳар қайси беклик ўзининг суд аппаратиغا эга бўлиб, у бош қози ва унга бўйсунувчи қозилардан, шунингдек муфтидан иборат эди. Ҳамма идоралар амир назорати остида эди” – деб таъкидлайди.

Бу эса ўз навбатида, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида қозилар фақатгина амир ва хон томонидан тайинланганлигини кўрсатса, Қўқон хонлигида эса қозилар бевосита хон ва тегишли худудий бекликлар томонидан тайинланган деган хулосага келиш мумкин. Бизнингча, Бухоро ва Хива хонлигида қозилар турли даражадаги олий, марказий ва маҳаллий бошқарув органларидан мустақил фаолият юритганлигини кўрсатса, Қўқон хонлигида айрим қозиларнинг тегишли бекликлар томонидан тайинланиши уларнинг маълум маънода шу бекликлар олдида мустақил бўлмаганлигини кўрсатади. Тарихий ва назарий тадқиқотларни таҳлил этиш асосида хулоса қилсак, қозиларни нафақат тайинлаш, балки уларни ўз лавозимидан озод этиш ваколати ҳам бевосита амир ёки хонга тегишли бўлган, деб айтиш мумкин. Амирлик ва хонликларда қози калон ва қозилар диний амалдорлар таркибига кирган бўлиб, кўпинча Бухоро амирлигида бундай мансаб-

дорлар кўпинча Жўйбор хўжаларидан шакллантирилган бўлса, Қўқон хонлигида суд маҳкамаси хўжалардан танланган қози калон томонидан идора этилган. Булар эса мазкур даврда қозиларни тайинлашда уларнинг насл-насабига ҳам алоҳида эътибор берганлигини кўрсатади.

Бухоро амири Амир Шоҳмурод³³ даврида қозилик мансабларига тайинланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар янада кучайтирилган. Яъни, қозининг шариат нормаларига амал қилиш даражаси, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий саводхонлигига эътибор қаратилган. Шариат нормаларини ўша давр талаби даражасида билмаган қозилар амир фармони билан ўз лавозимидан озод этилган. Қозиликка тайинланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар хусусида З. Муқимов “Бухоро амирлигида қозилик олдида қуйидаги асосий талаблар қўйилган: “мусулмон эркак киши бўлган, эркин, вояга етган, оилали, жисмоний камчилиги бўлмаган, фикҳ илмини мукамал билган, ҳаётий тажрибага эга бўлган, араб тилини мукамал эгаллаган ҳамда бадном фуқаро бўлмаганлик каби талабларга жавоб бериши керак бўлган”³⁴, – деб таъкидлайди.

Фикримизча, қозиликка тайинланадиган шахсларга бир неча талаблар қўйилган бўлиб, уларнинг таркибида оилали бўлиши талабига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, қозилар нафақат жиноят ишларини, балки фуқаролик ишларига оид оила ва никоҳ масалаларини кўриб чиқиб, тегишли қарорлар чиқарганлар. Бу ўз навбатида, қозиларнинг оилали бўлиши ҳамда оила масалалари борасида катта ҳаётий тажриба ва кўникмалари мавжуд бўлиши суд ишларини ҳар томонлама адолатли ҳал этишнинг кафолати бўлиб ҳисобланган. Ж. Шодиев “Қозиликка фақатгина ҳанафийлик мактаби таълимотини билишлик талаб қилинмасдан, балки илмий даража бўлишлиги, яъни фикҳ илми ва шариат норма ҳамда қонунларни изохлаш ҳуқуқи берилганлиги ҳам талаб қилинган”³⁵ деб ифода этади. Бироқ, И. Бекмирзаев “Ироқлик ва мовароуннаҳрлик уламолар илмий салоҳиятга эга бўлмаган кишининг ҳам қозиликка тайин этилиши мумкинлигини уқтиришган. Бу ҳолатда қозининг ёнида муфтийнинг бўлиши ёки ҳар бир даъво юзасидан ҳукм чиқариш вақтида, аввало, унинг фақихлар билан маслаҳатлашиши шарт этиб белгиланган”³⁶лигини, ифода этади. Фикримизча, қози ёнида муфтий ва фақихлар бўлиш бўлмаслигидан қатъи назар қози етарли илмий салоҳиятга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Қози ўзи бўлмаган вақтларда ўз ўрнига ўринбосарини қолдириши мумкин бўлган. Бироқ, айрим манбаларда “агар қози вафот этган, касаллиги ёки ўз лавозимидан четлатилган бўлса, фақатгина давлат бошлиғи – амир ёки хон томонидан янги қози унинг ўрнига тайинланиши мумкин бўлган”³⁷. С. Юшков “Зарурият туғилган ҳолларда қози қо-

зилик талабларига жавоб берадиган фуқаролардан бир ёки бир неча ўринбосарларни тайинлар эди³⁸ – деб таъкидлайди.

Амирлик ва хонликларда Қози-калон (қози-куззот), яъни обрўси ва нуфузи жуда юқори бўлганлигидан “одил судловни амалга оширишда хон ва амирнинг ўнг қўли ҳамда расмий ҳужжатларда уларга “одил судлов таянчи (устуни)”, – деган шарафли мақом берилган.

Ўтмишда қозиларни тайинлаш билан бир қаторда, қозилик лавозимига тайинланган шахсларни тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилганлигини қайд этиш даркор. Улар қозилар (судьялар) тайёрлайдиган махсус мадрасаларда ўқитилган. Шу боис А. Расулев ўз тадқиқот ишларида “қозилар Самарқанд ва Бухоро мадрасаларини тугатган, оддий руҳоний мусулмон шахслар таркибидан шакллантирилганлигини³⁹ таъкидлайди. Ф. Хўжаев фикрича, “Қоидага кўра, кичкина масжиднинг ҳар бир мулласи ҳам қози бўлиши мумкин бўлган⁴⁰. Бироқ қозиликка қўйиладиган мураккаб талаблар ҳақида Садриддин Айний тўғри таъкидлаганидек “бундай талабларга фақатгина Бухоро мадрасаларида 19 йил давомида билим олган битирувчилар жавоб бера олишлари мумкин эди⁴¹”.

Дарҳақиқат, қозилар шариат, фикҳ илмларидан хабардор, одатда мадрасаларда таҳсил кўрган кишилардан тайинланган. Бироқ, “Тарбиячи-мударрислар ҳақида, Ж. Шодиев ёзишича, – бўлажак қозилар, беклар ва бошқа мансабдор шахслар уларнинг тарбиясини ва илмини олиши шарт бўлган⁴². Бизнинг назаримизда, қозиларни тайёрлашнинг бундай тартиби, биринчидан, амирлик ва хонликларда қозиларни тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор берилганлигидан далолат берса, иккинчидан, қозиларни ўқитишга амирлик ва хонликларда махсус лавозим жорий этилганлигини кўрсатади.

Шу ўринда айтиш жоизки, мусулмон жамоасида ҳам қозиларнинг яъни, судьяларнинг мавқеи жуда юқори бўлиб, ҳатто қозиларнинг ҳукмлари қатъий ва ўзгармас кучга эга бўлганлиги билан белгиланади. Бироқ, қозининг ҳукми устидан халифага, хон (амир)га шикоят қилиш мумкин бўлган. Бухоро амирлигида “Қози ҳукмини қози калон, унинг ҳукмини эса фақат амир бекор қилиши мумкин бўлган⁴³. Фикримизча, қози ҳукмини бекор қилишнинг бундай тартиби улар фаолиятига фуқаролар ва бошқа мансабдор шахслар аралашмаслигининг олдини олишга қаратилганлигидан далолат берса, иккинчидан, бу тартиб маълум маънода қозилар мустақиллигини таъминлашга хизмат қилганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухаммад аз-Зухайли. Ал-Қазо фи-л-ислам. - Дамашқ: Дор ал-мактабий, 1419/1998. - Б. 114 б.; Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдишлар ва таҳлилий ёндошувлар: монография/ И.И.Бекмирзаев; масъул муҳаррир З.Исломов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Ислам университети, 2014. - 149 б.
2. Жўраев З. Қозилик сифатлари машҳур фақиҳ талқинида // Тарих ва тараққиёт. 2005. № 1. - Б.45-47.
3. Маргинони, Бурхонуддин. Хидоя. Коментарии мусульманского право. В2ч. Ч1. Т. I-II / Пер. С.анг. Под. ред. Н.И.Гроденкова; Отв. ред., авт. предисл., вступ. ст. и науч. комм. проф. А.Х.Саидов. – М.: Волтерс Клувер, 2008. – 710 с. Маргинони, Бурхонуддин. Хидоя. Коментарии мусульманского право. В2ч. Ч1. Т. I-II / Пер. С.анг. Под. ред. Н.И.Гроденкова; Отв. ред., авт. предисл., вступ. ст. и науч. комм. проф. А.Х.Саидов. – М.: Волтерс Клувер, 2008. – 710 с.
4. Хамидова М. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т.:ТДҲУ, 2004. - Б. 38-39.
5. Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. – Тошкент. Фан, 9 бет.
6. Мухитдинова Ф.А. Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. - Т.: ТДҲУ, 2009. - Б. 97-98.
7. Ҳамроев А. Судья – адолат посбони // Нуқуқ ва бурҷ. 2010. №10. 30 б.
8. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдишлар ва таҳлилий ёндошувлар: монография/ И.И.Бекмирзаев; масъул муҳаррир З.Исломов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Ислам университети, 2014.149 б. (332 б.)
9. Алиқуллов Ҳ. Ўрта аср қозилари: Мозийдан садо.: художественная лит-ра // Сирли Олам.-2002-№4. - Б.26-27.
10. Исломов Ш. Ибн Халдун ижодида қозилик масаласи. Ислам ва ҳуқуқ // Имом ал-Бухорий сабоқлари. - 2013. - №1. 26 б. (- Б.26-28.)
11. Шодиев Ж., Усмонова Х. Миллий давлатчилик тарихидаги судлов масалаларининг айрим жиҳатлари. “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришга доир изланишлар” мавзусидаги давра суҳбати материаллари. –Т.: ТДҲУ, 2011. 232 б.
12. Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. – Тошкент. Фан, 9 бет.
13. Бурхонуддин Маҳмуд. Аз-Захирату-л-бурхонийа. – Истамбул: Сулаймоний кутубхонаси. – Аё София бўлими // Қўлёзма №001170. В. 244а.
14. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдишлар ва таҳлилий ёндошувлар: монография/ И.И.Бекмирзаев; масъул муҳаррир З.Исломов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Ислам университети, 2014.138 б. (332 б.)
15. Хамидова М. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т.:ТДҲУ, 2004. - Б. 38-39.
16. Китоб ал-фусул. - Қўлёзма № 3245. - В. 46а – 65 б.
17. Бекмирзаев И. Мовароуннаҳр қозиликдаги адолат мезонлари // Нуқуқ ва бурҷ. 2009. - № 9. - Б. 30-31.
18. Исломов Ш. Ибн Халдун ижодида қозилик масаласи : Ислам ва ҳуқуқ // Имом ал-Бухорий сабоқлари. - 2013. - №1. 26 б. (- Б.26-28.)
19. Китоб ал-фусул. - Қўлёзма № 3245. - В. 46а – 65 б.
20. Алихонтура С., Караматов Ҳ. Темур тузуқлари. –Т.: “Шарқ”, 2005. – 67 б.
21. Темур тузуқлари / Форссадан А.Соғуний ва Ҳ.Караматов тарж. –Т. Ф.Фулмон номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1996. - 114 б.
22. Бобур З.М. Бобурнома. Т.: Шарқ, -2002. 64-б.
23. Эшонова Ш. Правовые основы организации и деятельности судов казиев в Сердней Азии (вторая половина XIX века – 20-е годы XX). Монография. – Тошкент: “NOSHIR” нашриёти, 2010. - 9 с.
24. Хамидова М. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т.:ТДҲУ, 2004. - Б. 38-39.
25. Ахмедова М. Қўқон хонлигини ташкил топиши, давлат тизими ва ҳуқуқ манбалари. Юрид. фанлар номзоди... дисс. - Тошкент. ТДҲУ, 2010. - Б. 55-56.
26. Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. – Тошкент. Фан, 9 бет.
27. Мадримов Х.Р. Хива хонлигининг давлат тузуми ва ҳуқуқ манбалари. Юрид. фанлар номзоди... автореф. - Тошкент. ТДҲУ, 2012. - 15 б.
28. Рустамбоев М.Х., У.А.Тухташева. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар // Олий ўқув юртлари учун дарслик. 1-жилд. Тошкент – “ILM ZIYO” нашриёти. 2011 – 43 б.
29. “Туркестанские ведомости». 1908. 27 мая.
30. Шодиев Ж. Бухоро амирлигида давлатчилик масалалари. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма /Масъул муҳаррир: Ҳ.Б.Бобоев. –Т.: ТДҲУ нашриёти, 2005. – 57 б.
31. Нечаев А.В. По горной Бухаре. Путевые очерки. – СПб.: 1914. – С.73.
32. Искандаров Б.И. Из истории Бухарского эмирата. – М.: Изд.Вос.Лит, 1958. - С 27.
33. Бобоев Х., Хидиров З.ва б. Ўзбек давлатчилиги тарихи (II китоб). Т., “Fan va texnologiya”, 2009, 207 бет.
34. Муқимов З.Ю. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: “Адолат”. 2003. - Б. 264-265.
35. Шодиев Ж.М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Юрид. фанлар номзоди... дисс. - Тошкент. ТДҲУ, 2008. - 113 б.
36. Бекмирзаев И.Мовароуннаҳр қозиликдаги адолат мезонлари // Нуқуқ ва бурҷ. 2009. - № 9-31 б.
37. Эшонова Ш. Правовые основы организации и деятельности судов казиев в Сердней Азии (вторая половина XIX века – 20-е годы XX). Монография.-Тошкент: “NOSHIR” нашриёти, 2010.-12 б.
38. Юшков С.В. История государства и права ССР. Ч. I. -М.:1940. -С.138.
39. Расулаев А. Созание и развитие советского суда в Убекистане. Ташкент. Госиздат УзССР, 1957. С.9.
40. Ходжав Файзулла. Избранные труды. Ташкент: Фан, 1970. С.82.
- 41.Айни Садриддин. Бухара. (Воспоминания). – Душанбе: “Ирфон”, 1980. – С 138-141.
42. Шодиев Ж.М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Юрид. фанлар номзоди... дисс. - Тошкент. ТДҲУ, 2008. – 71-72 б.
43. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти / Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов. –Тошкент: Академия, 2000. Б. 202.



**Мақсудбек
САИДОВ,**
Бухоро вилоят
иқтисодий
суди раиси

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР СУД МУҲОКАМАСИДА

Корпоратив низолар ва уларнинг мазмуни кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши иқтисодий судлар ваколатига киради. Хорижий мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида, шунингдек, айрим ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқот ҳамда илмий ишларида бундай низоларни изоҳлашда турлича ёндашилган бўлиб, уларнинг асосида корпоратив муносабатлар туриши кўрсатилган.

Корпоратив муносабатлар деганда, корпорация иштирокчилари, яъни акционерлари билан унинг раҳбарияти, корпорация ишчилари билан раҳбарият ўртасида ҳамда корпорация билан давлат, давлат органлари, кредиторлар, ҳамкорлар, бошқа ташкилотлар, фуқаролар ўртасида бўладиган корпорация фаолиятига боғлиқ муносабатлар тушунилади.

Корпоратив низолар 2018 йилда иқтисодий судлар томонидан кўрилган ишларнинг 0,10 фоизини, 2019 йилда бу кўрсаткич 0,17 фоизни ташкил этган.

келиши мумкин бўлган низолар қонун чиқарувчи органларнинг ҳам, суд ҳокимиятининг ҳам диққат марказидаги масала ҳисобланади.

Корпоратив низоларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан (таъсисчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги), ҳам оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан (ваколатли давлат органининг юридик шахсни тугатиш ёки қайта ташкил этиш тўғрисидаги аризаси) вужудга келиши мумкин. Шунингдек, корпоратив низолар бўйича даъво талаблари бир вақтнинг ўзида ҳам мулкӣ (дивидент ундириш, акциялар қийматини ундириш) ва ҳам номулқӣ (таъсис шартномасини ҳақиқӣ эмас, деб топиш) хусусиятга эга бўлиши мумкин. Корпоратив низоларнинг юқорида санаб ўтилган ўзига хос хусусиятлари процессуал қонунчиликда алоҳида тоифадаги ишлар сирасига киритилганлигига сабаб бўлган.

Мазкур тоифадаги низоларни тўғри ҳал қилишда Фуқаролик кодекси, Иқтисодий процессуал кодекслари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Масъулиятли чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги каби Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари қўлланилиши лозим.

Корпоратив низоларни ҳал этишда уларнинг бир қисми иқтисодий судлар билан бир қаторда низоларни ҳал этишнинг альтернатив усулига мувофиқ ҳакамлик судларида ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Жумладан, таъсис шартномасида тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқishi мумкин бўлган маълум бир низолар ҳакамлик судида кўрилиши ҳақидаги қоида кўрсатил-



Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий судларда иш ҳажми қарийб 50 фоизга камайдан бир пайтда, корпоратив низолар сезиларли даражада кўпайган. Шунинг учун корпоратив бошқарув соҳасидаги муносабатлар, вужудга

ган бўлса, бундай низоларни ҳал этиш ҳакамлик судига тааллуқли бўлади. Аммо, шуни инобатга олиш керакки, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги, мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам улар сирасига киради. ИПКнинг 3-моддасида судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмаслиги белгиланган.

Шу боис, тарафлар ўртасидаги низони ҳал этиш бўйича ҳакамлик судига топшириш тўғрисидаги келишувнинг мавжудлиги, даъво аризасини қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди. Бундай ҳолда, агар ишда иштирок этувчи шахсларнинг корпоратив низони ҳакамлик судига кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишуви мавжуд бўлиб, ҳакамлик судига мурожаат қилиш имконияти бой берилмаган бўлса ва агар ишнинг иқтисодий судда кўрилишига қарши бўлган жавобгар низонинг мазмуни бўйича ўзининг биринчи аризасидан кечиктирмай низони ҳакамлик судининг ҳал қилувига ўтказиш тўғрисида илтимоснома берса, даъво аризаси ИПК 107-моддасининг 2-бандига мувофиқ кўрмасдан қолдирилиши лозим.

Корпоратив низолар бўйича даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш, қайтариш ва қабул қилишни рад этиш масаласи ИПКда умумий тартибда белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳал этилади. Яъни, даъво аризаси ИПКнинг 149-моддасида назарда тутилган даъво аризасининг шакли ва мазмунига мувофиқ бўлиши лозим. Жумладан, акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият-ни бошқарув органларининг (умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, ижроия органи) қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъволар бўйича жавобгар, ушбу бошқарув органлари эмас, балки жамиятнинг ўзи ҳисобланади. Шу боис, даъво аризасида жавобгар сифатида муайян бошқарув органи кўрсатилганлиги, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёхуд ИПКнинг 45-моддасида белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда жавобгарни алмаштириш учун асос бўлади.

Шунингдек, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддаси биринчи қисмига кўра, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи инвесторларнинг, қимматли қоғозлар эгаларининг, давлат манфаатларини кўзлаб судда



даъво кўзғатишга ҳақли. Амалиётда ваколатли давлат органининг даъво аризасида даъвогар кўрсатилмасдан судга тақдим этилган ва суд томонидан бундай даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганлиги ҳолатлари мавжуд. Ваҳоланки, ИПК талабларига мувофиқ даъво аризасида у кимнинг манфаатини кўзлаб киритилганлиги, яъни даъвогар, унинг исм-фамилияси ва отасининг исми, почта манзили ёки яшаш жойи кўрсатилиши шарт. Даъво аризасида у кимнинг манфаатини кўзлаб берилаётганлиги аниқланмаса, у ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтарилади. Агарда даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, бундай ҳолларда кўрилмасдан қолдирилиши лозим бўлади.

Бундан ташқари, мазкур тоифадаги низоларни иш юритишга қабул қилишда ИПКнинг 213-моддаси талабларига эътибор қаратиш зарур. Унга асосан корпоратив низо бўйича даъво аризаси ИПКнинг 149-моддасида назарда тутилган талабларга, яъни даъво аризасининг шакли ва мазмуни мувофиқ бўлиши кераклиги, унга ИПКнинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ва унинг почта манзили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат илова қилиниши лозим. Мазкур талабларга риоя қилинмаган ҳолда иш юритишга қабул қилинган даъво аризаси процессуал қонун бузилишига сабаб бўлади. Амалиётда ушбу қоидага риоя қилинмаган ҳолда иш юритишга олинган даъво аризаси ишни кўриш жараёнида суднинг ташаббуси, жавобгар ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига асосан, иш судловга тегишлилик қоидаларини бузган ҳолда қабул қилинганлиги сабабли ИПКнинг 39-моддасига биноан ажрим чиқариб тегишли ваколатли судга ўтказилади. Бир қарашда ушбу ҳаракат орқали процессуал қонун бузилиши бартараф этилгандек туюлсада, аммо бу ҳолат ўз навбатида ишда иштирок этувчи шахсларнинг овозгарчилигига сабаб бўлиши мумкин.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, корпоратив низолар бўйича даъво аризасида одатда бир нечта талаблар бирлаштирилган бўлади ва уларнинг айримлари иқтисодий, бошқалари эса фуқаролик ёки маъмурий судга тааллуқли бўлади. Хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар, улушлар, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар, меҳнатга оид муаммолар, давлат рўйхатига олиш билан боғлиқ бўлган ёки давлат органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар шулар жумласидандир.

Ўзаро боғлиқ бир нечта талаб бирлаштирилган бўлиб, уларнинг айримлари фуқаролик ёки маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлса, хусусан, иқтисодий судга алоқадор бўлган талаб билан бирга давлат рўйхатига олиш билан боғлиқ ёки давлат органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас, деб топиш каби талаблар ҳам қўйилган бўлса, даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан қайтарилди. Бу ҳақда Олий суднинг “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги қарорининг 8-бандида тушунтириш берилган. Унда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳат шундаки, корпоратив низо билан бирга иқтисодий судга тааллуқли бўлмаган (фуқаролик ёки маъмурий судга тааллуқли) талаб бирлаштириб берилган тақдирда, даъво аризасини қабул қилишни рад этилишига йўл қўйилмаслигидандир. Қоида тариқасида (ИПК 25-моддаси) ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судга

қўрилиши лозим. Агар мазкур ҳолатдаги даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилади.

Башарти ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий, бошқалари эса маъмурий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилиб берилган даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, суд иқтисодий судга тааллуқли бўлган талабни мазмунан кўриб, маъмурий судга тааллуқли талаб бўйича эса ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тугатиши лозим.

Судловга тегишлиликнинг умумий қондасидан фарқли равишда корпоратив низолар бўйича даъво аризаси жавобгар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга эмас, балки юридик шахс жойлашган жойдаги судга тақдим этилади. ФК 46-моддасининг мазмунига кўра, юридик шахснинг жойлашган манзилни ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилган манзили бир-биридан фарқланиши мумкин. Зеро, юридик шахс қонунга мувофиқ таъсис ҳужжатларида жойлашган жойини мустақил белгилайди. Почта манзили унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Судловга тегишлилик қондасига риоя қилинмаган ҳолда, судга тақдим этилган корпоратив характердаги даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қайтарилди.

Корпоратив низолар бўйича даъволарнинг судловга тегишлилигини аниқлашда ИПКнинг 32-моддасига ҳам эътибор бериш зарур. Чунки, тарафлардан бири (корпоратив низолар бўйича одатда акциядор, улуш эгаси, таъсисчи, иштирокчи) Ўзбекистон Республикаси норезиденти – чет эл шахси бўлган ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар иқтисодий судларида кўриб чиқиладиган низолар тоифасига киритилганлиги сабабли бундай ишларни туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг кўришига йўл қўйилмайди.

Қоида тариқасида бошқа даъволар сингари корпоратив даъволар бўйича ҳам судларга мурожаат қилинганда давлат божи олдиндан тўланади. Албатта, “Давлат божи тўғрисида”-ги қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Жумладан, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилган бўлса, акциядорлар акциядорлик жамиятининг фаолиятдан келиб чиқадиган низоларда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий

Кўз қориндан кўра очроқ,

* * *

*Шаҳар асрлаб бунёд
қилинади, лекин бир
соатда вайрон бўлади.*

РИМ

ХИКМАТЛАРИДАН

судга мурожаат қилган тақдирда акциядорларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олиниши белгиланган.

Қонуннинг 4-моддасидаги талаблардан келиб чиқиб, шуни инобатга олишлари лозимки, агар давлат божи даъвогар ўрнига бошқа шахс томонидан тўланган бўлса (корхона учун унинг раҳбари ёки таъсисчиси томонидан давлат божи тўланган ҳоллар бундан мустасно), давлат божи ҳақиқатда тўланмаганлигидан келиб чиққан ҳолда, даъво аризаси ИПКнинг 155-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосан қайтарилиши лозим. Яъни, корпоратив низо бўйича корхона томонидан киритилган даъво аризаси учун давлат божи тўловини таъсисчи томонидан амалга оширилишига йўл қўйилади, аммо таъсисчи томонидан киритилган даъво бўйича даъво аризасига давлат божини корхона томонидан тўланишига йўл қўйилмайди.

Судга корпоратив низолар бўйича мулк хусусиятдаги, масалан: улушнинг ҳақиқий қийматини ундириш, мол-мулкни талаб қилиб олиш даъво аризалари билан мурожаат қилинганда давлат божи миқдори ундириладиган суммадан, номулк хусусиятдаги, масалан: юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш даъво аризаларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараварида тўланади. Даъво аризасида бир вақтнинг ўзида бир нечта номулк талаб қўйилган бўлса (масалан: юридик шахс бошқарув органининг иккита қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш), ҳар бир талаб бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан давлат божи тўланиши лозим. Бир вақтнинг ўзида мулк ва номулк хусусиятга эга бўлган корпоратив, мулк хусусиятдаги ва номулк хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкаларга кўра, ҳар бир талаб бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланади.

Даъво биргаликда бир нечта даъвогар томонидан бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда (бу каби даъвогар корпоратив низоларда кўп учрайди), давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади. Шуни инобатга олиш лозимки, қонунда мулк тусдаги даъвогар бўйича давлат божи тўлови даъвонинг баҳосидан келиб чиқиб тўланиши (ҳисобланиши) белгиланганлиги сабабли биргаликда бир нечта даъвогар томонидан судга тақдим этилган даъво аризаси бўйича давлат божи белгиланган ставкаларга тенг миқдорда даъвогарлардан бирининг тўланганлиги ҳақидаги ваз билан даъво аризасини қайтарилишига йўл қўйилмайди. Ушбу



қоида бир нечта даъвогар томонидан судга тақдим этилган номулк тусдаги даъво аризаси бўйича тўланиши лозим бўлган давлат божи тўловига ҳам татбиқ этилади.

Мазкур тоифадаги ишлар бўйича ИПКнинг 94-моддасида кўрсатилган даъвони таъминлаш чоралари қўлланилади. Бунда даъвони таъминлаш чоралари арз қилинган талабларга мос келиши, яъни бевосита низо предметиға боғлиқ, даъво талабларига мутаносиб, суд ҳужжати ижросини таъминлаш учун керакли ва етарли бўлиши лозим. ИПКнинг 93-моддасида даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, иқтисодий суд ишларини юришнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилиши тўғрисида тушунтириш берилган. Низо предметиға боғлиқ бўлмаган даъвони таъминлаш чорасини қўллашга йўл қўйилмаслиги лозим.

Амалиётда судга жамият иштирокчисини таъсисчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги даъво аризасига илова сифатида ушбу даъвони таъминлаш мақсадида жамият балансидаги озик-овқат маҳсулотларини сотишга ихтисослашган савдо дўконига таъқиқ солиш, яъни ундан фойдаланишни таъқиқлаш тўғрисида ариза киритилган ҳолатлар мавжуд. Бунда айрим ҳолатда гарчи даъвони таъминлаш чораси низо предметиға боғлиқ бўлмаса-да, суд томонидан ариза қаноатлантирилган. Кейинчалик эса мазкур ажрим юқори инстанция суди томонидан бекор қилинган. Аммо, мазкур суд ҳужжатининг юқори инстанция судида бекор қилинишига бир ойдан ортиқ муддат керак бўлган. Оқибатда суд томонидан ҳаттоликка йўл қўйилиб, айрим турдаги озик-овқат маҳсулотлари савдосининг шу давр мобайнида чекланиши, уларнинг аксарият қисмининг истеъмол муддати ўтишига ва ўз-ўзидан манфаатдор шахс ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлган.



Аскар БЕКМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

БОШҚАРУВДА ИЖРО САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УНИ БАҲОЛАШ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бошқарув назарияси ва амалиётининг раҳбар кадрлар фаолиятидаги ўрнини тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида, бошқарув кадрлари фаолиятини, улар фаолиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг устида илмий ишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун биз мамлакатимиз ва хорижий давлатларда олиб борилган тадқиқотларни қиёсий таҳлил асосида ўрганишимиз зарур.

Хорижий давлатларда бошқарув кадрлари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар устида амалга оширилган тадқиқотларни ўрганиш раҳбар кадрлар фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларни икки гуруҳга бўлиб ўрганишни тақозо этади.

Яъни:

1. Ташқи омиллар – раҳбар фаолияти давомида бундай омилларга таъсир кўрсата олмайди. Бунда унинг билими ва маҳорати жуда катта роль ўйнайди. Бу омилларни ижтимоий вазиятни шакллантирувчи аниқ соҳада ташкилот ва жамиятда биз уч даражага ажратишимиз мумкин:

➔ **Умумдавлат даражасидаги**

омиллар ташкилот фаолиятига доимий таъсир этади. Раҳбарлар, ўз навбатида, уларга таъсир кўрсата олмайди. Шунингдек, бу даражадаги раҳбар самарадорлиги таклиф этиладиган шароитда ўз қобилияти ва малакаси билан алоқадордир. Масалан: давлат иқтисодиёти, сиёсати, қонунчиликдаги ўзгаришлар, демографик вазиятлар.

➔ **Соҳавий даражадаги омиллар** –

бунда раҳбарда салбий омилларни таъсир этишини минималлаштириш имконияти юзага келади. Бу даражада раҳбардан ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконияти мавжуддир. Масалан: ташкилот раҳбарининг ҳамкорлар, рақобатчилар, истеъмолчилар, назорат органлари, маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро ҳаракат даражаси;

➔ **Ташкилий омиллар** – раҳбар фаолияти билан жуда ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, унга таъсир этувчи тўғридан-тўғри омил ҳисобланади. Шу сабабли ташқи

омиллар аҳамияти раҳбар фаолияти учун жуда юқоридир. Бундай омилларга мисол қилиб, ташкилот ички ҳаёти, тузилмаси, ички муносабатлари, ташкилотнинг ривожланганлик даражасини кўрсатишимиз мумкин.

2. Ички омиллар – аксарият тадқиқотлар айнан ички омилларни ўрганишга бағишланган. Ички омилларга раҳбар шахси, унинг бошқарув усули, одамлар билан ўзаро алоқа ўрнатиши киради. Ушбу омиллар устидаги тадқиқотлар 3 ёндашувга бўлиб ўрганилади.

1-ёндашув. Раҳбар самарадорлиги шахсий сифатларнинг йиғиндисига асосланади. Ушбу сифатлар орасида интеллект даражаси, билими, адолатлиги, ташаббускорлиги, маълумоти ва ўзига ишонганлиги кабиларни белгилаш мумкин.

2-ёндашув. Ахлоқий ёндашувни ишлаб чиқишда ижтимоий психология катта роль ўйнайди. Мазкур ёндашув раҳбар усули тушунчасига асосланади. Раҳбар усули раҳбарнинг одатий ахлоқий хулқи бўлиб, ўзининг қўл остидагиларга муносабатидир.

3-ёндашув. Мазкур ёндашув ички ва ташқи омиллар бўлимлари орасида алоқа ўрнатиш мавжудлиги билан характерланади. Ўз тадқиқотларида муаллифлар раҳбар самарадорлиги омилларини ўрганиб, вазиятлар бўйича бир нечта махсус ишлаб чиқилган критериялар асосида синфларга бўлиб чиққан. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотлар таҳлили шуни тасдиқлайдики, раҳбар фаолияти самарадорлигини ошириш учун шахсий ва ахлоқий омиллар,

Ижтимоий контекстларни ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Бошқарув жараёнининг самарадорлиги мураккаб, кўп қиррали ижтимоий-иқтисодий категориядир. У бошқаришнинг барча жабҳаларини қамраб олади ва бу жараёнда юзага чиқадиган иқтисодий, ижтимоий ташкилий, маркетинг, технологик ва бошқа муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Бошқарув самарадорлигининг кўп қирралилиги уни акс эттирувчи тушунчалар хилма-хиллигини юзага келтиради. Улардан бошқарув тизимининг энг муҳимларини ажратиш олиш мумкин:

- ✓ бошқарув ходимлари меҳнатининг самарадорлиги;
- ✓ бошқарув аппаратининг бошқарув фаолияти ёки унинг алоҳида олинган органлари ва бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги;
- ✓ бошқарув жараёнининг самарадорлиги (бошқарувчилик қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш);
- ✓ бошқарув тизимининг самарадорлиги (бошқарув пиллапоясини ҳисобга олган ҳолда);
- ✓ бошқарув механизми самарадорлиги (бошқарув усуллари, воситалари, дастаклари, манфаатдорликлари ва шакллари).

“Кўрсаткич” тушунчаси баҳоланаётган объект, предметнинг бирон бир хусусиятини, унинг муҳим томонларини тавсифлайди. Бошқарув самарадорлигининг кўрсаткичларини уч гуруҳга ажратиш мумкин.

➡ *Техник кўрсаткичлар.* Улар эксплуатацион сифатни бошқаришдаги техник воситаларнинг таққослама параметрларини ва улардан фойдаланиш даражасини белгилайди.

➡ *Ташкилий кўрсаткичлар.* Улар бошқариш жараёнининг тузилишини, ташкилий тузилмани, ахборотлар ва ҳужжатлар билан ишлашни белгилайди.

➡ *Ижтимоий кўрсаткичлар.* Улар бошқарув аппарати меҳнат шароитини, меҳнатнинг санитария-гигиена, руҳий-физиологик ҳолатини, эстетик ва ижтимоий омилларни белгилайди.

Давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини яхшилашга интилиш ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида фаолият самарадорлигини ошириш замонавий жамиятда ижтимоий-иқтисодий тизим бошқарувчи йўлининг бирдан-бир кучли усули бўлиб, давлат ислохотларининг доимий ўтказилиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади.



Барчага маълумки, бошқарув амалиётда бошқарувни ташкил этиш учун уни баҳолашни билиш лозим. Бошқарув фаолиятини баҳолаш анъанавий 3 та асосий турга ажратиш таснифланади:

- ✓ миқдорий;
- ✓ сифат;
- ✓ аралаш.

Сифатли баҳолаш тури фаолият тўғрисидаги субъектив фикрни ўрганишга асосланади, бир вақтнинг ўзиде миқдорий баҳолаш, асосан статистик маълумотларнинг абсолют ва нисбий қийматларидан ишлаб чиқилиши мумкин. Аралаш тури эса давлат бошқарув органлари фаолиятини биргаликда миқдорий ва сифатли баҳолашда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Аксарият давлатларда фаолият самарадорлигини миқдорий баҳолаш усули татбиқ этилиб, амалиётда қўлланиб келинмоқда, булардан: эксперт таҳлили усули, норматив карталар тузиш ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Келтириб ўтилган усуллар турли хил давлатларнинг амалиётида муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда. Бироқ, давлат бошқарув органлари фаолиятини баҳолаш ёндашувлари ўзгариши лозим. Давлат бошқарув хизматчилари ва давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда янги ёндашувларнинг йўқлиги давлат бошқаруви ислохотларининг натижасига ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат тузилмасининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат бошқаруви ислохотларининг ўзига хослиги, мазкур ислохотлар самарадорлигининг объектив миқдорий кўрсаткичларини аниқлашнинг мураккаблигидир. Шунинг учун кўрсатилган самарадорлик кўрсаткичларининг муҳим қисми давлат хизматчилари, мансабдор шахслар, аҳолининг текшириш натижаларига асосланган бўлиши лозим.

Ҳозирги кунда амалда бўлган кўплаб баҳолаш усуллари мавжуд. Жумладан:

→ интервью олиш – кўшимча маълумот олиш учун олдиндан тайёрланган савол-жавоб тарзидаги суҳбат;

→ тест ўтказиш – махсус тестлар ёрдамида шахсий психологияси касбий маҳорати ва билими, қобилиятини аниқлаш;

→ программалаштирилган назорат – назорат саволлари ёрдамида иш қобилияти ва тажрибаси, ақл идроки даражаси, касбий маҳорати ва билимини баҳолаш;

→ анкета ўтказиш – баҳолаш анкетаси тўлдирувчи томонидан ундан кўрсатилган ҳислат ёки хусусиятларни бор-йўқлигини аниқлайди;

→ таққослаш анкета усули – шахс ҳулқида тавсиф берувчи саволлардан иборат бўлиб, баҳоловчи ушбу хусусиятларни баҳоланувчида борлиги бўйича белги қўяди ва натижада баҳоланувчи тўғрисида умумий рейтинги келиб чиқади;

→ тасвирий баҳолаш – баҳоловчи баҳоланувчининг яхши ва ёмон ҳулқларини кўрсатади ва унинг кучли ва кучсиз томонлари рўйхатини тузади;

→ кузатиш – баҳоланувчи норасмий вазияти ёки иш шароитида кузатиш орқали баҳоланади. Баҳоловчи шкала асосида баҳоланувчининг вазиятларда ўзини қандай тутаётганлигини белгилаб боради;

→ “360 градусли баҳолаш” усули – баҳоланувчи ўз жамоаси ёки юқори раҳбари, қўл остидагилари томонидан баҳоланади. Аниқ баҳолаш шакллари ўзгариши мумкин, лекин баҳоловчилар бир хил бланкаларни тўлдиради. Усул мақсади – баҳоланувчининг ҳар томонлама баҳосини олиш;

→ жуфтликларда қиёслаш – иштирокчилар гуруҳида маълум бир ўхшаш лавозимда ишлайдиганлар, бир-бири билан таққосланади ва ходим ўз гуруҳида бир неча марта энг яхши деб топилган ҳисобланади;

→ рейтинг ёки қиёслаш методи – баҳонинг ходим эгаллаб турган лавозимига мослиги. Ушбу баҳолаш турининг муҳим компоненти – аттестацияланувчи бажариши шарт бўлган ишлар рўйхати ҳисобланади. Ушбу рўйхат тузилгандан кейин ходим фаолияти вақт бўйича, унинг қарор қабул қилиш учун сарфланган вақти, белгиланган ишларни бажариш усуллари ўрганилади. Ундан сўнг рўйхатда келтирилган сифатлар баҳоланади, масалан, 7 баҳоли шкала бўйича: 7 энг юқори даража, 1 энг паст. Чиқарилган баҳолар эталон сифатида олинади ёки бир хил тенг лавозимларда ишлайдиган ходимлар натижалари таққосланади;

→ нохуш ҳодиса (инцидент) методи – ходимларнинг ҳисобот даврдаги ютуқлари ёки хатолари солиштирилади. Ушбу услубни янада яхшилаш мақсадида баҳоланадиган омилларни ранжировка қилиш керак бўлади;

→ ижро стандартлари – ушбу метод ходимнинг маълум бир лавозим учун етарли натижага эришганлигини аниқлашда ёрдам беради. Ишчи стандартларининг аниқлаш йўллари: ишчи гуруҳнинг ўртача маҳсулдорлиги, бажариш вақти намунаси, эксперт хулосаси;

→ мустақил ҳакамлар методи – комиссиянинг мустақил аъзолари (6-7 киши) баҳоланаётган ходимга фаолиятининг ҳар хил соҳаларидан саволлар беришади. Жараён қарама-қарши сўроқ қилишни эслатади. Ҳакамлар тўғри ва нотўғри жавобларини компьютер ёрдамида текшириши ҳам мумкин, унда хулосани махсус программа чиқаради.

→ эксперт баҳолари – экспертлар гуруҳини шакллантириб олинган баҳоларга ва жами сифатларга қараб ишчини идеал ёки реалга киритиш. Давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини ошириш дунёнинг барча мамлакатларида долзарб муаммолардан биридир. Бу борада мотивациянинг анъанавий равишда пастиги, саъй-ҳаракатлар ва натижалар ўртасидаги боғлиқлик кабилар йўқлиги, ҳар қандай муҳитда бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва рағбатлантириш механизmlарини яратишда бартараф этилиши қийин бўлган тўсиқ ҳисобланади. Бу



авваламбор, мураккаб ва ижодий функцияларни ижро этувчи бошқарув кадрларига тааллуқли.

Бошқарув кадрлари фаолиятини баҳолаш қийинлигига қарамай, кўпгина мамлакатларда бу борада анчагина тажриба тўпланиб, илмий тадқиқоқатларда бошқарув кадрларининг самарадорлигини баҳолашга турлича услубий ёндашувлар шаклланган.

Хулоса қилиб айтганда, шаклланган хорижий тажрибани таҳлил қилиш бошқарув кадрлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш юзасидан қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

☞ Ўзбекистонда раҳбар кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш таъминлашнинг жорий этиш учун хориж тажрибасидан фойдаланиш анча самарали ҳисобланади. Жумладан, раҳбар кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш элементларини босқичма-босқич изчиллик билан жорий қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Давлат хизматчисини баҳолаш Францияда ҳам худди шу усулда амалга оширилган бўлиб, у ерда ҳар бир босқич учун давомийлиги 3 йилдан 6 йилгача давом этган;

☞ мамлакатимизда давлат бошқарув органларида мақсадли дастурларини жорий қилиш кенг ривож топмоқда. Мазкур мақсадли дастурлар Ўзбекистонда ҳам халқаро тажрибада кузатилгани каби юқори тутилган “интервал” доирасида маошини ошириш (in-range salary promotion) ёки мукофот тайинлаш тўғрисида қарор қилиши мумкин. Давлат бошқаруви органлари мақсадли дастурларининг амалга оширилишига масъул шахслар тўғрисидаги ахборотнинг интернет ва оммавий ахборот воситаларида ёритилиши нафақат ҳокимият органларининг очиқлиги, балки умуман давлат хизмат обрўсининг ошишига ҳам олиб келади (Бразилия тажрибаси);

☞ бошқарув кадрлари баҳолаш тизимини жорий этишдан олдин ушбу тизим бир нечта давлат ҳокимияти органларида синов тариқасида ўтказилиши лозим. Синов натижаларига қараб, мукофотлашни жорий этиш тизимининг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Натижага қараб мукофотлаш амалиётининг синовдан ўтказилиши, тақдирлашнинг ушбу шакли юқори лавозимдаги хизматчиларни қанчалик рағбатлантириш мумкинлигини баҳолашнинг қайси мезонлари энг объектив мезонлар бўлиши мумкинлигини аниқлаш имконини беради (Франция тажрибаси).

☞ халқаро тажрибани таҳлил қилиш бошқарув кадрлари самарадорлигини баҳолаш ва рағбатлантиришни амалга оширишда юзага келадиган қўйидаги асосий мезонларни ажратиш имконини беради:

➔ натижадорлик бўйича шартнома (яъни, самарадорлик кўрсаткичлари киритилган муддатли хизмат шартномаси)нинг намунавий шаклларини ишлаб чиқиш;

➔ самарадорликни баҳолашда “360 градус” усули (ёки шу каби бошқа усуллар)дан фойдаланиш;

➔ бошқарув кадрлари фаолияти самарадорлиги даражаси бўйича гуруҳларга ажратиш;

➔ самарадорликни баҳолаш натижалари асосида лавозим маошининг ўзгариши ёки мукофотлаш миқдорининг белгиланиши билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

➔ натижаларга қараб мукофотлаш тизимини аста-секин лавозим маошини фоизларда ошириш ва номоддий рағбатлантиришнинг бошқа шакллари билан тўлдириш.

☞ Аксарият мамлакатларда расмий баҳолаш раҳбарнинг атрофида у билан бирга ҳар куни фаолият олиб бораётган хизматчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан тўлдирилади. Бироқ, раҳбар лавозимининг мақомини инобатга олган ҳолда “360 градус” усулини қўллаш, одатда, баҳоланаётган раҳбарнинг у ёки бу масалаларда фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширишдан юқори орган хизматчиларидан сўров ўтказиш билан чегараланади. Бироқ, Буюк Британия ва Жанубий Кореяда бундай чекловлар йўқ. Ушбу мамлакатларда оддий хизматчилар раҳбарларига берган баҳоларининг объективлиги, раҳбар фаолияти самарадорлигини ва ходимларда ушбу раҳбарнинг бошқариш усулига бўлган ишончини сезиларли даражада оширади;

☞ Буюк Британия, Канада, АҚШ давлатларида давлат хизматчиларининг фаолият самарадорлиги даражасига қараб, тоифаларга ажратиш хизматчиларни мукофотлаш тўғрисидаги тўғри қарор қабул қилиш имконини беради. Давлат хизматчилари ўртасидаги рақобат эса раҳбарларнинг касбий ўсишига ва ўз фаолияти самарадорлигини оширишга қўшимча туртки бўлади, шу билан бирга, давлат органи ишининг сифатли ташкил этилишига олиб келади.



Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратура
Академияси профессори

СУДЛАРДА ИШЛАРНИ ОЧИҚ-ОШКОРА КЎРИБ ЧИҚИШ

АННОТАЦИЯ

Мақолада судларда ишларни очик, ошкора кўрилиши асослари, принциплари, бу соҳага оид моддий ва процессуал қонунчилик ривожини, ошкоралик принциплари истисно қилинадиган ҳолатлар, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари босқичма-босқич татбиқ этилиши масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Судларда ишларни очик, ошкора кўрилиши, моддий ва процессуал қонунчилик, принциплар, халқаро тажриба, ишларни ёпиқ мажлисда тинглаш асослари, электрон одил судлов, ахборот-коммуникация технологиялари.

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены вопросы основания рассмотрения дел в судах в открытом разбирательстве, развитие материального и процессуального законодательства в этой сфере, основания исключающие принцип прозрачности, поэтапное внедрение в судебную деятельность информационно-коммуникационных технологий.

Ключевые слова: Открытость, прозрачность рассмотрения дел в судах, материальное и процессуальное законодательство, международный опыт, основания слушания дела в закрытом заседании, электронное правосудие, информационно-коммуникационные технологий.

ANNOTATION

The article examines the issues of the basis for consideration of cases in open court in courts, the development of material and procedural legislation in this area, the grounds excluding the principle of transparency, the phased introduction of information and communication technologies in judicial activities.

Keywords: Openness, transparency of court cases, substantive and procedural legislation, international experience, grounds for hearing a case in closed session, e-justice, information and communication technologies.

Суд ишларининг очик кўрилиши деганда шундай суд процесси назарда тутиладики, унда ишларнинг кўрилиши суд мажлисига келишни истаган фуқаролар иштирокида амалга оширилади, шунингдек, суд процесси материали ва унинг натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ёки бошқа воситалар ёрдамида кенг оммага етказилиши мумкин. Судларда ишларнинг очик кўрилиши принциплари Конституциямизнинг 26-моддаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, унда жинойт содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиши ва унга ўзини химоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши кафолатланади. Судда ишнинг ошкора кўрилишига бўлган ҳуқуқ ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро ҳуқуқнинг бошқа актларида мустаҳкамланган. Судларда ишларни очик кўрилишига оид принцип бир қатор хорижий мамлакатларнинг конституцияларида ҳам белгиланган (Беларусь Республикаси, Венгрия, Россия, Озарбайжон, Грузия, Дания, Испания, КХР, Польша, Португалия).

Судларда ишларни очик кўриб чиқиш принциплари барча фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритувида тааллуқлидир. Мазкур принцип Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунида ҳам назарда тутилган бўлиб, унинг 7-моддаси “Суд ишларини юритишнинг ошкоралиги” деб номланган. Мазкур модда мазмунидан кўриниб турибдики, “ошкоралик” атамаси “судда ишларнинг очик кўрилиши” атамасининг синоними сифатида қўлланилади.

Ушбу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, фуқаролар у ёки бу суд ишларини юритиш процессида тараф сифатида иштирок этмаган бўлсалар-да, суд ишларининг ошкора кўрилиши принциплари туфайли, улар у ёки бу суд ишини суд томонидан муҳокама қилиш пайтида иштирок этиш имкониятига эга бўладилар. Бундай чоратadbирларнинг белгилаб қўйилиши, биринчидан, судлар фаолиятининг очик ва ошкоралигини таъминласа, иккинчидан, ушбу органлар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати таъминланади.

рати амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса натижада суд муҳокамаси иштирокчилари бўлмиш тарафларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг амалда таъминланишига олиб келади.

Суд муҳокамасининг очиқлиги принципи, одил судловни таъминлаш борасида, суд иш юритувининг очиқ ва ошқора амалга оширилиши тартибини белгиловчи моддий ва процессуал қонунчиликларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 13-моддасида судларда ишлар муҳокамаси ошқора кўрилиши белгиланган, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 274-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳам очиқ кўрилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойларидаги жамоаларда ёки яшаш жойида кўриб чиқиши мумкин. Суд муҳокамаси ошқора ўтказилишига оид талаблар Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасида ҳам белгиланган бўлиб, мазкур моддага мувофиқ, фуқаролик ишлари судларда очиқ кўрилади. Жиноят-процессуал кодексининг "Судда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши" деб номланган 19-моддасида ошқоралик принципи, барча судларда, давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошқора кўрилиши баён қилинган.

Суд жабрланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари ва бошқа шахсларга ёпиқ суд муҳокамасида қатнашишга рухсат беришга ҳақли, лекин суд уларни даставвал суд мажлисида кўриладиган маълумотларни ошқор этмаслик борасидаги жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради. Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинотасвирга олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади. Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очиқ суд мажлисида фақат бу хабарномаларни жўнатган, олган шахсларнинг розилиги билан ошқор қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Суд залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда суд айрим шахсларнинг суднинг очиқ мажлисларида қатнашишларини таъқиқлаб қўйишга ҳақлидир. Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошқора эълон қилинади. Бунда ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш учун сабаб бўлган маълумотлар ошқор этилмаслиги лозим.

Судлов фаолиятида ошқораликни кенгайтириш учун зарур ҳолларда судлар оммавий ахборот воситалари ходимларига, тегишли жамоат бирлашмаларига ва жамоаларга бўладиган процесслар тўғрисида олдиндан хабар бериши, шунингдек, процессларни бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўтказиши мумкин (ЖПК 19-модда). Судда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши принципи сиёсий ва амалий жиҳат-

дан муҳим ҳисобланади. Судларда ишларнинг ошқора кўрилиши фуқароларни қонунларни ҳурмат қилиш ва қонунбузарликларга муросасизлик руҳида тарбиялаш вазифасини самарали ва кенгроқ бажаришга ҳамда суд органларининг фаолияти устидан доимий жамоатчилик назоратини таъминлашга имкон яратади.

Қонунда белгиланган ҳоллардагина ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга йўл қўйилади. Ёпиқ суд мажлиси йўл қўйиладиган ҳолатлар рўйхати бевосита қонунда аниқ белгиланиши лозим.

Конституциянинг 113-моддасидаги мазкур қоида амалдаги қонунчиликда кенгроқ талқин қилинган. Яъни, Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддаси, барча судларда ишлар ошқора кўрилишини белгилаш қаторида, давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумотларни сақлаш манфаатларига зид бўлган ҳолларда ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилиши ўрнатилган. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошқор бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек, ёзишмалар сирини сақланишини таъминлаш мақсадида иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилишига йўл қўйилади. Иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилганида ишда иштирок этаётган шахслар, зарур ҳолларда эса, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар ҳам қатнашадилар. Иш суднинг ёпиқ мажлисида суд ишларини юритишнинг барча қоидаларига риоя қилинган ҳолда кўрилади. Суднинг қарори эса барча ҳолларда ошқора эълон қилинади.

Иқтисодий процессуал кодексининг 11-моддасига мувофиқ давлат сирини ёки тижорат сирини ёхуд қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ мажлисда кўришга йўл қўйилади. Ишни ёпиқ мажлисда видеоконференц-алоқа режимида эшитишга йўл қўйилмайди. Ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига мувофиқ, давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳолатларда, шунингдек, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд мажлиси ёпиқ ўтказилади. Булардан ташқари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камси-



тадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақоза этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Ишни ёпиқ мажлисида кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими буткул муҳокамага ёки унинг алоҳида бир қисмига нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисида йиғилганларга тааллуқли бўлиб, процесс иштирокчиларига дахли йўқ.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 13-моддасида давлат сирни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда, ишни ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилиши белгиланган.

Қонунда ошкоралик принципини амалга ошириш тартиби ва доирасини белгиловчи қатор қоидалар мавжуд. Хусусан, инсон, жамият, давлат манфаатларига зарар етказилиши мумкин бўлган ҳолатларда ошкоралик принципидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Ошкоралик принципидан истисно қилинадиган ҳолатлар рўйхати қонунда аниқ кўрсатилганлиги ошкоралик, унга риоя этилишининг кафолати сифатида хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонунида – давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмалар, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий тузилмалари ва фуқароларнинг республика ҳудудидаги ҳамда унинг ташқарисидаги фаолиятининг барча турларида давлат сирларини сақлашнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган. Давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади. Тегишли қонуний асослар йўқлигида ишнинг ёпиқ суд мажлисида кўрилиши қонуннинг қўпол бузилиши ҳисобланади.

Судда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, одил судловнинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари босқичма-босқич татбиқ этиб келинмоқда. Хусусан, фуқаролик судлов тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва БМТнинг лойиҳаси доирасида Электрон судлов ахборот тизими (ЭСАТ) ишлаб чиқилди. Бу тизимнинг асосий вазифаси янги замонавий ахборот технологиялар тизимини жорий этиш ёрдамида фуқаролик ишлари бўйича судларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, судлар ҳақида ахборот

тўплаш, сақлаш, суд фаолиятида интерфаол хизматларни тақдим этиш, фуқароларга уларнинг судларга мурожаат этиш бўйича конституциявий ҳуқуқларидан кенг фойдаланиш учун имкон яратишдан иборатдир.

Иқтисодий судларда жорий этилган “E-Hujjat” онлайн электрон ҳужжат айланиш тизими фаолияти орқали иқтисодий судларга келиб тушган даъво аризалари ва мурожаатлар, тайинланган ишлар рўйхати, судьялар иш ҳажми, иш туркумлари онлайн режимида кўриш имкониятини кенгайтди.

“Электрон одил судлов” миллий ҳуқуқий тизими суд ҳокимиятининг роли ва таъсирчанлигини оширишга, фуқаро ҳамда тадбиркорларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ОАВда “Судьялар клуби” ва “Суд ҳимоясида” рўнклари ташкил этиш ва уларда мунтазам равишда туркум кўрсатув ва мақолалар эълон қилиб боришни алоҳида қайд этган эди. Бу кўрсатув, мақолаларда халқ олдида обрў-эътибор қозонган судьяларнинг ҳаёт йўли баён қилиниши ҳамда одил судловни амалга оширишдаги ижобий тажрибалар оммалаштирилиши лозим. Маърузада, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган сайёр суд мажлисларини маҳалла, корхона ва ташкилотларда ўтказиш кўламини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Давлат раҳбари судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, жумладан, электрон суд стенографияси, видеоконференцалоқани кенг жорий этиш, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминловчи идоралараро электрон маълумот алмашув тизимини шакллантириш зарурлиги, одил судловни амалга ошириш жараёнини доимий ўрганиб, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни ҳал этиш масалаларига ҳам эътибор қаратди.

Мазкур ислохотларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда суд фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг одил судловга эга бўлиш ҳуқуқлари тўла таъминланишига хизмат қилади⁴.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Т.: //Халқ сўзи// 2016 йил 22 октябрь, 2309 (6644)-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни, 1993 йил 7 май.
3. Абдуллаев Э. Ўзбекистонда суд жараёнларини электрон тарзда олиб боришнинг афзалликлари. ТДҲУ “Жиноят ишлари юритишда суд фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2016 йил, ТДҲУ “Матбаа” бўлими, 116-122 бетлар.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш — барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарт. //Халқ сўзи// 2017 йил 14 июнь, 117 (6811-сон).



**Комил
СИНДАРОВ,**
юримдик фанлар
доктори

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРНИНГ ТУРАР ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ: МУАММО ВА ЕЧИМ



Азиз ЯРАШЕВ,
мустақил
тадқиқотчи

Аёллар ва болаларнинг муносиб уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш, уларга шарт-шароитлар яратиш, уларнинг бу борада бузилган ҳуқуқларини судлар томонидан ишончли ҳимоясини таъминлаш келажак авлодни баркамол вояга етказиш учун жуда муҳим ҳисобланади. Мазкур соҳага оид қонунчилик ва суд амалиёти таҳлили бу борада қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчидан, аёллар ва болаларнинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти таҳлилидан кўринишича, аксарият ҳолларда қўлланиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг ҳамда Фуқаролик кодексининг тегишли моддалари баъзи ҳолларда айрим суд инстанциялари томонидан турлича талқин қилинмоқда. Айниқса, аёллар (келинлар)нинг оила курганидан кейин кириб яшаган уй-жойи билан боғлиқ ишлар бўйича моддий ҳуқуқ нормасини турлича қўллаш амалиёти учрамоқда.

Иккинчидан, оила аъзоларининг аксарияти доимий равишда уй-жойда яшаши ва ундан фойдаланишига қарамай, уй-жойга рўйхатдан ўтказилмай ҳуқуқлари бузилиб келмоқда. Ҳуқуқи бузилган оила аъзоси судга даъво ариза билан мурожаат этиб, уй-жойга нисбатан яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлаш, уйга киритиш, рўйхатга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишни сўрайди. Суд бундай ҳолатда даъвони қаноатлантирган пайтда маъмурий судга тақдимнома киритиб жавобгарни маъмурий жавобгарликка тортилишини таъминлаши мумкин, шунда бундай салбий ҳолатларнинг олди олинадиган ва оилалар бузилиши камаяди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини куйидаги мазмундаги янги модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“223⁴-модда. **Оила аъзосини уй-жой рўйхати-га ўтказмаслик.**

Уй-жой кодексининг 32-моддасида назарда тутилган оила аъзосини белгиланган муддатда уй-жой рўйхатига ўтказмаслик — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

Учинчидан, суд амалиётида уйга киритиш ҳақидаги аризалар аксарият ҳолларда аёллар томонидан берилади. Уй-жой кодексининг 32-моддаси, 1-қисмида уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаро-

лар назарда тутилган бўлиб, маълум муддат бирга яшаб, кейинчалик оилавий муносабатлари тугаган ва бошқа жойда яшаётган собиқ (хотин) оила-аъзоси назарда тутилмаса-да, бироқ суд ушбу моддага асосланиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантирмоқда.

Бундан ташқари, Уй-жой кодексининг 32-моддаси, 2-қисмига кўра, турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади.

Шу сабабли, Уй-жой кодексининг 32-моддаси 1-қисмини куйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“Уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари (собиқ оила-аъзолари), шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиланинг бошқа аъзоларини эса, уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Уй, квартиранинг мулкдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади”.

Тўртинчидан, Уй-жой низоларини суд амалиётида кўриш жараёнида мулкдор ёки мулкдор бўлмаган шахс билан уйдан фойдаланувчи (масалан аёллар) ўртасида уйни олиш бўйича оғзаки келишув бўлган ҳолатда, ҳақиқий бўлмаган битим оқибатини қўллашда уйнинг дастлабки қийматини оширадиган шаклда қурилиш ёки таъмирлаш ишлари амалга оширилганда суммани ундиришда муаммолар вужудга келмоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Уй-жой кодексининг 32-моддасини қуйидаги мазмундаги янги 9-банд билан тўлдириш лозим:

“Агар суд уй ёки квартиранинг мулкдори билан мулкдан фойдаланувчи шахс ўртасида ўзаро келишув бўлганлиги ва фойдаланиш жараёнида мулкдор эътироз билдирмаган бўлса, мулкни яхшилайдиган шаклдаги турар жойдан фойдаланиш жараёнида қилинган харажатларни мулкдор зиммасига юклашга ҳақли”.

Бешинчидан, эри билан расмий никоҳдан ўтмаган ҳамда турар жойида рўйхатдан ўтмаган ҳолда умумий рўзғор юритаётган аёллар ҳам мавжуд. Бироқ, бундай аёллар ва улардан туғилган болалар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган бўлса, суд амалиётида турар жойдан фойдалиш ҳуқуқини ҳимоя қилишда муаммоларга дуч келиши мумкин. Аёлларнинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш мақсадида Уй-жой кодексининг 32-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш ўринли бўлади:

“Меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунингдек мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий хўжалик юритаётган ва унинг турар жойида рўйхатдан ўтмаган бўлсалар ҳам, унинг оила аъзоси деб топилишлари мумкин”.

Олтинчидан, амалиётда эр ёки хотин турар жойни никоҳ тузилгунига қадар сотиб олган ҳамда келгусида ўзаро низо келиб чиқиб никоҳдан ажратилган ҳолларда, турар жойда ўзаро умумий мулк ҳисобланмаганлиги сабабли “номигагина” тарафлардан бири турар жойни бегоналаштириб, янги мулкдор томонидан турар жойдан фойдаланаётган фуқароларни (асосан, аёллар, уларнинг вояга етмаган фарзандларини) кўчириш мақсадида даъво киритиш ҳолатлари учрамоқда.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Уй-жой кодексининг 32-моддасини қуйидаги мазмундаги янги учинчи қисм билан тўлдириш керак:

“Агар турар жой эр-хотиннинг умумий мулки бўлмаганлиги сабабли эр ёки хотин томонидан бир-бирининг розилигисиз бегоналаштирилган тақдирда ҳам эр ёки хотин ушбу турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади”.

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида, бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) деб тушунча берилган ва мазкур Қонуннинг 19-моддасига кўра, турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар-жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 21-моддасида, ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади.

Юқоридаги қонун ва бола (вояга етмаган) деганда, 18 ёшга тўлмаган шахслар назарда тутилишидан келиб чиқиб, Фуқаролик кодексининг 21-моддасидаги, “ўн тўрт ёшга тўлмаган” – деган сўзларни “ўн саккиз ёшга тўлмаган” – деган сўзларга ўзгартириш лозим.

Саккизинчидан, суд амалиётида никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда кўп йиллардан буён бирга яшамаётган ва амалда оилавий муносабатлари тугатилган эр-хотинлар ўртасидаги низоли ўзаро ҳал қилишда ажрашаётган аёл ва унинг вояга етмаган бола(лар)и бошпанасиз қолиб кетиши хавфи мавжуд. Шу мақсадда кўпинча ажрашаётган аёллар моддий манфаат эвазига ажрашишга розилик беришини, акс ҳолда ажрашишга норози эканлигини баён қилишади.

Шу муносабат билан қонунчиликка никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан эркак мурожаат қилганида ва ишни кўриш якуни бўйича унинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилинадиган тақдирда, аёлнинг яшаш учун бошпанаси бўлмаган тақдирда, унга фарзандлари билан яшаш учун уй-жой олиб бериш ёки ижара асосида уй-жой тақдим қилиш мажбуриятини назарда тутувчи ўзгартиришларни киритиш лозим бўлади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида, агарда суд томонидан никоҳ бекор қилинган тақдирда, аёлнинг ўз болалари билан бирга яшаш учун турар жойи мавжуд бўлмаса, суд эрга нисбатан бундай мажбуриятни юклайди.

Иш муҳим, сўз эмас.

* * *

*Ўзгаларни бот-бот кечир,
ўзингни эса – ҳеч қачон.*

* * *

*Ўзгалар билан эмас, ўзинг
билан кўп гаплаш.*

РИМ

ҲИҚМАТЛАРИДАН

Шуни қайд этиш жоизки, Бирлашган Араб Амирлиги қонунчилигига биноан, эркак киши ўз оиласини, шу жумладан, болаларини боқиш учун тўлиқ жавобгардир. Бу каби мисолларни бошқа давлатлар тажрибасида ҳам учратиш мумкин.

Тўққизинчидан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларни кўришда вояга етмаган болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш тизимини кучайтириш лозим бўлади.

Маълумки, суднинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги қароридан сўнг тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига асосан болалар давлат таълим муассасаларига жойлаштирилади ва ушбу ҳоким қарори билан болаларнинг охириги яшаш манзилдан фойдаланиш ҳуқуқининг сақлаб қолиниши қайд қилинган ҳолда турар жойга таъқиқ қўйиш юзасидан кадастр хизматига хат юборилади.

Аксарият ҳолларда ушбу тақиқнинг қўйилмаслиги ёки унинг ижро учун юборилмаслиги оқибатида мазкур турар жой тасарруф этиб юборилади ва давлат таълим муассасасидан қайтган болаларнинг бошпанасиз қолишига олиб келади. Бу эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун ўз балансида бўлган турар жойлардан ушбу болалар учун турар жой ажратиш мажбуриятини юзага келтиради.

Ота-оналари суд қарорига асосан тегишли ҳуқуқдан маҳрум қилинган болаларнинг бошпанга бўлган ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли таъминланишига эришиш мақсадида судлар томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларни кўриш жараёнида болаларнинг ота-онасига тегишли бўлган турар жойга тақиқ қўйиш масаласини ҳал этишга қаратилган қонун нормасини оила қонунчилигига киритиш таклиф этилади.

Яна бир масала, суд амалиётида қонунда белгиланган муддатдан (олти ойдан) ортиқ турар жойда бўлмаганлари оқибатида жавобгар аёлни вояга етмаган болалари билан турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги низолар кўп-лаб учрайди.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 54-моддасида фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу турар жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибидан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 18-бандида ҳам Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 52-моддасига мувофиқ муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтин-



ча бўлмаганларида (агар, турар жой бўйича узоқ муддат сақланиши кўрсатилмаган бўлса) турар жой олти ой муддат давомида унинг ҳисобида сақланади, (шу модданиннг иккинчи қисмида баён қилинган ҳолатлар бундан мустасно), шахснинг белгиланган муддатдан ортиқ давр мобайнида уйда бўлмаслиги оқибатида турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи манфаатдор шахсларнинг даъвоси бўйича суд йўли билан йўқотган деб топилиши мумкин, деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасининг иккинчи қисмида эса турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлиши белгиланган.

Оила кодексининг 65-моддаси ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси талабларига эътибор қаратилса, вояга етмаган болалар турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топилганида, уларни қонун билан кафолатланган ўз отаси (ёки онаси) билан бирга яшаш ҳуқуқи, шунингдек, турар жой мулкдорининг эгаллаб турган турар жойига нисбатан ўзлари оила аъзолари бўлган ҳолда ҳуқуққа эга бўлишлари каби ҳуқуқлари поймол бўлгандек кўринади.

Шу сабабли Олий суд Пленум қароридан вояга етмаган болаларни турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги низоларни кўришда қонунларни қўллаш бўйича тушунтириш бериш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, суд статистикасида аёллар ва болаларнинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ ишлар бўйича тарафларни жинсига қараб ажратадиган мукамал статистик маълумотлар мавжуд эмас, зеро бу ишларда аёллар ҳам даъвогар (кўшимча даъвогар) ҳам жавобгар (кўшимча жавобгар) бўлишлари мумкин. Шу сабабли Е-SUD ва кейинчалик жорий этилган Е-XSUD электрон судлов тизимларида ҳам айнан аёллар ва вояга етмаганларга оид статистик маълумотни киритиш лозим бўлади.



**Шухрат
РУЗИНАЗАРОВ,**
юримик фанлар
доктори

МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР

Маъмурий тартиб-таомиллар жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатда амалга ошириладиган вазифаларнинг, умумий таомиллари ва қоидаларини тартибга солади. Бунда жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларга қаратилган давлат органларининг қонунчиликда белгиланган ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ давлат хизматлари кўрсатиш ваколатлари ҳам киради. Хусусан, рухсат берувчи ва бошқа ҳужжатларни бериш, уларнинг муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза тақдим этиш ва кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш, компенсация, кафолат ва имтиёзлар бериш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тегишли қарорларни қабул қилиш ҳам шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, мавжуд маъмурий тўсиқлар, сансоларлик ва ҳужжатбозликка барҳам бериш учун зарур бўлган институционал ва ташкилий механизмлар шакллантирилган, муҳим ҳуқуқий асос яратилган. Умуман олганда, маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мос равишда олиб борилмоқда. Бироқ, амалиётда бир қатор муаммолар ҳам мавжуд.

Маъмурий ислохотлар концепциясида қайд этилганидек, давлатимизда лицензиялаш, сертификатлаштириш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари орқали давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда уларнинг айримларини хусусий секторга ўтказиш, айни вақтда давлат назоратининг ортиқча маъмурий чораларини (лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари), шу жумладан, уларни муқобил тартибга солиш турларига (жавобгарликни мажбурий сугурталаш, мувофиқликни декларациялаш ва бошқалар) алмаштириш орқали қисқартириш назарда тутилган.

Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишининг аҳамиятлилиги бир тарафдан давлат ҳокимияти органлари ва иккинчи тарафдан уларга бўйсунмаган кўп сонли субъектлар, яъни фуқаро ва ташкилотлар орасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш зарурати билан изоҳлана-

ди. Мазкур муносабатлар ўзининг хусусиятига кўра қайд этиб ўтилган субъектларни жавобгарликка тортиш билан эмас, балки фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш ҳамда аризачиларга нисбатан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш билан узвий боғлиқдир.

Хорижий мамлакатларнинг норма ижодкорлик фаолиятини ўрганишда маълум бўладиги, Германия, Швейцария, Швеция, Финляндия, Австрия, Греция, Хитой, Япония, Эстония, Беларусь, Чехия, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Латвия, Болгария каби мамлакатларда маъмурий-тартиб таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мавжуд. Мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солиш ҳар хил моделларга асосланишига қарамасдан, ушбу мамлакатларда махсус қонун қабул қилинган.

Бугунги кунда илғор хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб ҳамда миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига мувофиқ, маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишни тартибга солувчи нормаларни тизимлаштириш мақсадида 2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни қабул қилинганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонуннинг 3-моддасида маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади. Аммо у норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва

қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни юритишда юзага келадиган муносабатларга нисбатан қўлланилмайди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонуннинг қўлланилиш соҳасига кирувчи муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шунингдек, қонуннинг 20-моддасига асосан, маъмурий органлар маъмурий иш юритишни қонун ҳужжатларида ўз ваколатига киритилган масалалар юзасидан амалга оширади. Маъмурий ишларнинг тааллуқлилиги ҳақидаги низолар маъмурий органлар учун юқори турувчи ҳисобланган ёки махсус ваколатли орган томонидан ҳал этилади. Қонуннинг 41-моддасига мувофиқ, манфаатдор шахснинг аризаси (шикояти) ёки маъмурий органнинг ташаббуси маъмурий ишни бошлаш учун асос бўлади. Маъмурий иш юритишда ариза рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан бошланган ҳисобланади. Агар маъмурий ишни бошлаш учун маъмурий органнинг ташаббуси асос бўлса, маъмурий иш юритиш адресат тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан эътиборан бошланган ҳисобланади.

Умуман олганда, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг амалиётда оқилона қўлланилиши:

биринчидан, маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнининг стандартлашиши ва енгиллаштирилиши сабабли давлат органларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан бўлган муносабатларининг қонунийлиги ва шаффофлигини оширади;

иккинчидан, маъмурий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва бажарилишининг замонавий технологияларини киритиш асосида давлат хизматларининг янада сифатли кўрсатилиши учун шароитлар яратади;

учинчидан, маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишнинг тизимлилиги ва уйғунлигини таъминлайди;

тўртинчидан, маъмурий тартиб-таомиллар амалга оширилишининг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларини қўллаш имкониятини беради;



бешинчидан, маъмурий тўсиқ ва чекловларни бартараф этади, сифатли давлат хизматларини кўрсатишга шароит вужудга келади, давлат органлари томонидан маъмурий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва бажарилишининг аниқ тезкор механизмини таъминлайди;

олтинчидан, коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Маъмурий тартиб-таомилларни қўллашнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан рухсат берадиган тартиблар, яъни лицензия олиш билан боғлиқ тартиботларни соддалаштиришга ҳам узвий боғлиқ. Айниқса, инсоннинг соғлиғи билан боғлиқ хавфсизликни таъминлашдан бошқа ҳолатда бизнес фаолиятнинг лицензиялаштиришни бекор қилишга оид чораларнинг кўрилиши, ўз навбатида, уни амалиётда татбиқ этишга ёрдам беради.

Мазкур қонунни амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш учун бир қатор ташкилий-ҳуқуқий тизимли чораларни қўллаш талаб этилади:

► бошқа ҳуқуқий тизимдаги ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка уйғунлаштиришнинг ягона илмий-методологик концепциясини ишлаб чиқиш;

► қонун устуворлигини таъминлаш “Маъмурий-тартиб таомиллари тўғрисида”ги қонуннинг тўғридан-тўғри амал қилиши қонуности ҳужжатларининг ҳуқуқни амалга ошириш ва қўллаш элементларидан оқилона фойдаланиш;

► ривожланган давлатларнинг, қонун ишлаб чиқишда фойдаланилган маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича бой тажрибасини ўрганиш, шу мақсадда қонунни ижро қилиш бўйича “Йўл хари-

таси”ни ишлаб чиқиш ва мунтазам унинг мониторингини ташкил этиш;

► маъмурий тартиб-таомилларга амал қилиш бўйича ҳуқуқий экспериментлар, социологик тадқиқотлар ҳуқуқ назариясида ўзини методологик исботини топган яқка тартибда ҳуқуқий тартибга солиш имкониятларидан кенг ва мақсадга мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш;

► рақамли маъмурий тартиб-таомилларни қўллаш доирасини кенгайтириш давлат ва хўжалик бошқарувини эркинлаштириш, уни амалга ошириш доираси ва чегарасини аниқлаш, императив тартиб-таомиллар ўрнига бошқарувнинг мақсад, вазибалари ва принципларини инобатга олиб, уни диспозитивлаштиришнинг методологиясини ишлаб чиқиш;

► Маълумки, ҳуқуқда марказлаштириш иқтисоддаги монополияга ўхшаш хавфлидир. Энг муҳими, оқилона рақамли маъмурий тартиб-таомилларни татбиқ этишда ҳуқуқий хавфсизлик доктринасининг ривожланиш тенденцияларини инобатга олиш объектив заруриятдир.

Шунингдек, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг ижросини таъминлаш нафақат унинг нормаларига илмий-амалий шарҳларни тайёрлашга, балки соҳадаги ҳуқуқни қўллашга оид янгиланган қонун ҳужжатларининг электрон тўпламини ижрочиларга тизимли етказиш ва уларга услубий-методик тавсиялар бериш ҳамда юқори малакали мутахассислар корпусини шакллантириш бўйича бир қатор тизимли чораларни ҳам тақлиф этади:

► ривожланган давлатлар тажрибасини инобатга олиб, рақамли маъмурий тартиб-таомиллар ва электрон ҳуқу-

матни ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича тизимли фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш ва малакали мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш бўйича маъмурий (оммавий) ҳуқуқ бўйича Олий мактабни ташкил этиш ҳамда давлат бошқарувида ходимларни маъмурий тартиб-таомилларга оид ишларни киритиш бўйича ихтисослаштириш чораларини кўриш;

► “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун ҳужжатларини тўғри ва амалий татбиқ этиш самарадорлигини ошириш мақсадида маъмурий тартиб-таомиллар бўйича давлат хизматлари кўрсатишни аниқ ва бир хилда татбиқ этиш бўйича маъмурий регламент талабларига риоя қилишни таъминлаш ҳамда маъмурий иш юритишга оид амалий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаб ижрочиларга етказиш ва манфаатдор шахсларнинг маъмурий тартиб-таомиллар бўйича ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

► хорижий давлатларнинг маъмурий қонун ҳужжатларини ўрганиш ва уни шарҳлаш, соҳа мутахассислари корпусининг малакасини оширишга оид ҳамкорлигини янада фаоллаштириш бўйича ўзаро фикр алмашинувида боғлиқ нуфузли мулоқотлар халқаро ҳуқуқий тизимларнинг глобаллашуви шароитида хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиш.

Рақамли иқтисодийёт маъмурий бошқарув соҳасида тамомила янги тартиб-таомилларни қўллашни тақозо этмоқда. Ўтмишдаги маъмурий ҳуқуқ назарияси ва методологиясидаги эскича ёндашувлар бугунги амалиётга тўғри келмайди. Бироқ, маъмурий тартиб-таомил ва бошқарув қарорларини қабул қилишдаги ўтмишда мавжуд бўлган ҳуқуқий бўшлиқ янги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунни қўллашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, Ўзбекистонда маъмурий ислохотлар Концепциясига асосан амалга ошираётган бошқарув соҳасидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмлар тамомила янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Қонун ижросини таъминлаш маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунларнинг ўзаро уйғунлигига ҳам узвий боғлиқ. Ҳар қандай шароитда маъмурий бошқарувда мурожаат қилувчининг ҳуқуқий устуворлигига эътибор қаратиш, агар маъмурий тартиб-таомиллар бўйича қонунчиликда зиддиятли ҳолатлар вужудга келса, шахс ва тадбиркор манфаати учун талқин қилиш-



ни миллий хусусий ҳуқуқ қонунчилигидаги юридик доктринани оммавий ҳуқуқ соҳасига ҳам татбиқ этиш имкониятини яратади. Бинобарин, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг ижросини таъминлаш давлат хизмати ва давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомини миллий қонунчиликда устувор жиҳатдан мустақамлашга боғлиқлигини назарда тутсак, бу борада норма ижодкорлиги бўйича саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигига эришиш учун Япониянинг илғор тажрибасини ўрганиш ҳам ҳар томонлама фойдалидир.

Давлат ва хусусий шериклик муносабатларининг ривожланиши айрим давлат ва ҳўжалик органлари функцияларини хусусий секторга ўтказиш амалиёти рўй бераётганлиги нафақат давлат бошқаруви, балки хусусий маъмурий бошқарувнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқ соҳасида маъмурий императив ёндашув билан маъмурий диспозитивликнинг ўзаро мутаносиблигига эришиш, маъмурий шартнома элементларини босқичма-босқич жорий этиш “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунни амалиётда қўллаш самарадорлигини таъминлашга, маъмурий регламент ва намунавий оммавий шартномавий муносабатларни тадрижий ривожлантиришни тақозо этади. Энг муҳими, давлат ва хусусий маъмурий бошқаруви соҳасида маъмурий тартиб-таомиллар маслаҳат хизмати кўрсатиш тизимини яратиши лозим. Ҳозирги амалиётда айрим давлат органларида божхона маслаҳати, божхона-аудит, солиқ маслаҳати ва бошқа шу каби институтлар қўлланилаётганлиги бунинг ёрқин далилидир;

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунни шарҳлашда ҳуқуқий адабиётларда эътироф этилган шарҳлашнинг тан олинган усулларида кенг фойдаланиш лозим. Бундай шарҳлаш усуллари жумласига: грамматик, мантиқийлик, махсус-юридик, тизимлилик ва тарихийлик кабиларни киритиш мумкин. Грамматик шарҳлаш қонунда қўлланилган асосий тушунча ва ибораларни, кўп маъноли сўзларни ва норматив атамашуносликнинг мазмун-моҳиятини бир хил тушунишни назарда туттади. Мантиқий шарҳлаш мантиқ қонуниятларига асосланган бўлиб, индукция, дедукция, далил-исбот, айнанлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб қўлланиладиган шарҳ усулидир. Махсус юридик шарҳлаш ўзига хос юридик билимларга асосланади. Бундай шарҳлашда маъмурий ҳуқуқ фанини тадрижий ривожланиш тенденцияларини инобатга олиб, ушбу фан-



нинг эришган ютуқларига таяниб, илмий тадқиқотлар натижасида олинган янги таъминлар ва ҳуқуқий тавсиф, юридик фактларни қамраб олади.

Маъмурий ҳуқуқ нормаларини тизимли шарҳлаш усули унинг хусусиятларини очиб беришга, ҳуқуқий тартибга солишнинг усул ва воситаларини тўғри қўллаш, турли ҳуқуқ нормаларини узвий алоқадорлигини таъминлаш, хилма-хил қонун нормаларини қийёслаш, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг соҳадаги ўрни ва аҳамиятини акс эттириш имкониятини яратади.

Маъмурий ҳуқуқ нормаларини тарихий шарҳлаш усули тарихий ривожланиш даврлари ва босқичларида қабул қилинган қонун нормаларининг янги тарихий шароитларда ҳуқуқий ворислик асосида яратиладиган замонавий норма ижодкорлигининг маҳсулидир. Бунда кенг маънода ва чекланган шарҳлаш усулларида ҳам фойдаланиш мумкин. Шунингдек, расмий шарҳлаш усулларида казуал ва норматив расмий шарҳлаш усуллари қўллаш ҳам ўз ижобий натижасини беради. Расмий норматив шарҳлашнинг турлари сифатида аутентик, легал, ҳуқуқни қўллаш, императив ва илмий профессионал шарҳлашдан оқилона фойдаланиш маъмурий ҳуқуқ нормаларини тўғри татбиқ этиш имконини беради.

Қонун нормаларини шарҳлашда ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили ва умумлашмаларидан оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозим. Айниқса, шарҳларга ҳуқуқни қўллаш амалиётдан намунавий мисоллар, тавсия ва умумлашмаларни илова қилиш унинг мазмунини тўғри тушуниш ва амалда татбиқ этишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий давлатларнинг соҳага оид қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш тажрибасини ўрганиб, унинг татбиқ этиш механизмларини такомиллаштирилиши маъмурий соҳадаги ислохотларни рўёбга чиқаришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.



БУНИ УМР ДЕРЛАР...

Мен судьялик касбим тақозасига кўра жуда кўп аб инсонларнинг тақдири билан яқиндан танишганман. Улар орасида оддий бир деҳқон ёки чўпондан тортиб, давлат бошқарувида юксак лавозимларга эришган инсонларгача бор. Буни бежиз айтаётганим йўқ. Булар орасидаги баъзи инсонларнинг ҳаёт йўли, тақдири мен учун ибрат намунаси ҳам бўлган.

Жуда кўп кузатувларим натижасида хулоса қилиб айтаманки, ҳеч бир инсоннинг ҳаёти бир маромда, текис ўтмайди. Тақдир баъзан шохона илтифотлар кўрсатса, баъзан қисматнинг қора қўли унинг пешонасини “силайти”. Айнан шунинг учун ҳам синовли дунё дейишади. Лекин, шундай бир ўзгармас ҳақиқат борки, ақлли, баркамол инсон Яратган ҳар қандай синовларни кўрсатса ҳам ундан матонат билан ўта олади.

Бугун сизларга ҳаёти ва фаолияти, тақдири ҳақида қисман ҳикоя қилмоқчи бўлаётганим, мен учун қадрли бўлган инсон, устозимиз Саъдулла Пўлатхўжаев ҳам ҳар қанча ҳавас қилса арзигулик етук замондошларимиздан биридир.

Ўзбек халқининг катта салоҳиятга эга, асл фарзандларидан бўлган Саъдулла Пўлатхўжаев тақдирида ҳам турфа воқеалар кетма-кетлиги учрайди. Тоталитар тузумнинг қамчисидан қон томиб турган 1970-80 йиллардаги тўқиб чиқарилган, меҳнаткаш, содда миллатга нисбатан бўҳтон бўлган “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши”нинг зуғум-заққумлари бутун бошли миллатга жабр бўлди. Кўпчилик ёши катта инсонларнинг хабари бор, ўша машъум йилларда халқимизни руҳан ва жисман синдириш мақсадида марказдан келган зўровон терговчилар буюк тарихга эга, не-не алломаларни тупроғида улғайтирган мўътабар юртимизни оёқ ости қилиб, халқимизнинг энг билимли ва салоҳиятли ўғлонларини ҳеч бир асосиз бўҳтонлар билан маҳв этди. Бу зуғум ва адолатсизлик суд тизими ходимларини ҳам четлаб ўтмади.

Мана шундай қора кунларнинг бирида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси бўлиб ишлаган, ҳалол, адолатли ҳуқуқшунос Саъдулла Хўжаевич Пўлатхўжаев ҳам қамоққа олинди.

Мен у даврларни жуда яхши эслайман. Қаттол тузум миллатнинг энг виждонли, истеъдодли, салоҳиятли фарзандларини териб-териб йўқ қилмоқчи бўлди ва қисман бўлсада бу манфур ниятига эришди ҳам. Тасаввур қилинг, ноҳақ қамалганлар орасида ўша пайтда Республика

Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаган, тажрибали давлат арбоби Раҳмонқул Қурбонов ва бир қанча вилоят, туман раҳбарлари, давлат органлари мансабдор шахслари бор эди.

Саъдулла Пўлатхўжаевни 1970 йиллардан бери жуда яхши танийман. У кишини мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг кўпчилиги устоз деб билади. Ёдимда, ҳали мен Ички ишлар вазирлиги тизимида терговчи, Сурхондарё вилоят суди судьяси, кейинчалик ушбу вилоят суди раиси ўринбосари бўлиб ишлаб юрган пайтларимда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари Саъдулла Пўлатхўжаевни билимли, қатъиятли, адолатли раҳбар сифатида ҳурмат қилишарди. Сабаби, Саъдулла Хўжаевич мамлакатимиз суд ҳокимияти ривожланишига катта ҳисса қўшган фидойи инсонлардан бири бўлиб, бутун фаолияти давомида адолатсизликка қарши турди. Қай ҳолатда бўлмасин, ноҳақликка қарши курашди. Пайти келганда, Шўро раҳбарларининг ҳақиқатдан йироқ, уйдирмаларига ҳам мардонатор қарши чиқди. Шуни ҳам очиқ айтиш лозимки, Саъдулла аканинг ана шу тўғрисида, адолатсизликка тоқат қила олмаслиги тоталитар тузумнинг баъзи бир муштумзўрларига ёқмасди. Ёмонликнинг дасти узун бўлади деганларидек, Қизил империянинг инсонларни қийнаш, таҳқирлаш бўйича қўштирноқ ичидаги “фидойилари” охири ниятига эришиб, бу инсонпарвар ватандошимизни ҳам маломатга қолдирди. У кишининг “айби”, фақатгина адолат томонида туриб, марказдан келган муштумзўрларнинг йўриғига юрмаганлиги бўлди.

Қарангки, натижада Пўлатхўжаевнинг ўзи айнан адолатсизликнинг қурбонига айланди... Ўша пайтдаги тергов органлари у кишига фирт бўҳтондан иборат айб қўйди ва порахўрликда айблади. Собиқ Иттифоқ Олий суди жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 1976 йил 8 июндаги сайёр суд мажлиси томонидан кўрилган суд процесси-



да Саъдулла Хўжаевич Пўлатхўжаев 10 йил муддатга озодликдан махрум этилди.

Лекин, адолат барибир қарор топиши муқаррар эди. Орадан йиллар ўтиб, аниқроғи юртимиз узра эсган мустақиллик шабадалари қисматиға ноҳақ жинойтчи тамғаси босилган кўплаб ҳалол, чин маънодаги ватанпарвар инсонларни қисматнинг қора чангалидан олиб чиқди. Улар оқланди. Аслида уларнинг ўзлари пок ниятли, оқ қалбли инсонлар эди. Улар орасида Раҳмонкул Қурбонов, Деҳқонбой Сулаймонов, Одил Шукуров каби давлат ва жамоат арбоблари ҳам бор эди.

Бугун мен Яратганга минг шукрлар айтаманки, адолатсизлик қурбонлари бўлган мана шундай асл ўғлонларимиздан баъзиларининг оқланишидаги суд процессларига раислик ҳам қилганман.

Бошидан кўп синовларни ўтказган, лекин, ҳамisha виждон амри билан яшаб, мамлакатимиз суд тизими ривожланишига катта ҳисса қўшган устозимиз Саъдулла Пўлатхўжаев бу йил 90 ёшни қаршиладилар. Бу инсоннинг ҳаёт йўли бугун судья лавозимида ишлаётган барчамизга ибрат бўлади.

Бу мўътабар устозимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳуқуқшунос-журналист Шохруҳ Акбаровнинг “Агар дардим баён этсам...” номли китоби нашр этилди. Унда Саъдулла ака бошидан кечирган жуда кўп воқеалар баён этилган. Муаллифнинг кўп йиллик изланишлари эвазига вужудга келган ушбу китоб ёш судьялар ва суд тизими ходимларига ҳамда барча ҳуқуқшуносларга Саъдулла Пўлатхўжаевнинг эзгуликка лиммо-лим ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўплаб маълумотлар беради. Ўрни келганда алоҳида таъкидлашни истардимки, яқинда Шохруҳ Акбаров муаллифлигида “Биз билган ва билмаган ҳуқуқшунослар” деб номланган ажойиб китоб нашрдан чиқди. Унда мамлакатимиздаги жуда кўплаб ҳуқуқшунослар тўғрисида қизикарли маълумотлар берилган. Ўйлайманки, мана шундай китоблар судьялар ва суд тизими ходимларига, Судьялар олий мактаби тингловчиларига ҳам қўлланма сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Устоз Саъдулла Хўжаевич Пўлатхўжаевни муборак 90 ёши билан чин дилдан табриклаб, у кишига мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилаймиз.

Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

2019 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-5618-сонли Фармонида фуқаролар онгида “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!” деган ҳаётий вояни мустаҳкамлаш билан бовлиқ жуда муҳим вазифалар қўйилди.

Кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш амалда асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилса-да, бу жараёнда биз судьялар ҳам фаол иштирок этишимиз лозим.

Суд процессида дуч келинаётган ҳолатлардан келиб чиқиб айтишим мумкинки, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти, қонунларни нафақат билиши энг аввало унга итоат қилиши масаласида жиддий муаммолар бор. Оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган ахборотлардан кўришиб турибдики, баъзи бир фуқароларимиз коронавирус пандемиясининг олдини олиш аслида ўзининг соғлиги учун жорий этилган карантин қоидаларини бузмоқда. Бунинг оқибатида бошқа бир ватандошининг ҳаётини хавф остига қўймоқда.

Кўпчилик инсонлар ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият деганда қонунларни яхши билиш, улардан етарлича бохабар бўлишни тушунади. Менинг ўйлашимча ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксаклиги нафақат қонун нормаларини яхши билиш, балки, унга қатъий итоат қилиш кўникмасидир. Қайсики инсонда жамиятдаги қонун-қоидаларга итоаткорлик ҳисси кучли бўлса, у инсоннинг давлат ва жамият олдидаги ижтимоий масъулияти юқори бўлади.

Кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида биз судьялар олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида ҳам ўз фикрларимни билдириб ўтмоқчиман.

Биринчидан, сайёр суд мажлисларини ўтказишда кўпроқ ёшларни, маҳалла фаолларини суд жараёнидаги иштирокини кенгайтиришимиз керак;

иккинчидан, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларимизда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилишимиз лозим;

учинчидан, фуқароларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик ва уларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари билан амалий ҳамкорликни такомиллаштиришимиз шарт;

тўртинчидан, ҳуқуқий тарғиботнинг замонавий инновацион усулларида кенг фойдаланишни самарали йўлга қўйишимиз керак деб биламан.

Хусан НАБИЕВ,

Гулистон туманлараро иқтисодий суди судьяси



Умид САЙДАХМЕДОВ,
Судьялар олий
мактаби
доценти в.б.

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ОШКОРАЛИК ҲАМДА АХБОРОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ



Санжар АЛЛАБЕРДИЕВ,
Қумқўрғон
туманлараро
иқтисодий
суди раиси

Ривожланиб бораётган ахборот асрида суд жараёнларини оммавий ахборот воситаларида батафсил ёритиш орқали манфаатдор томонларни зарур ахборот билан таъминлаш ва судлар фаолиятини янада очиқ-ошкоралигига эришиш бўйича амалий ишларни бажаришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунинг учун ОАВ ва суд тизими ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларига тўғри ёндашилган ҳолда журналистик фаолиятни суд муҳокамалари жараёнида амалга оширишнинг механизмларини ва ахборот манбаларининг ошкоралиги билан боғлиқ муаммолари масалаларни ҳал этиш борасидаги қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни назарда тутиш лозимки, суд муҳокамаси ошкоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш алоҳида муҳим масала саналади. Чунки, тарафлар ўртасида ҳал этилмаган низоларни суд тартибида ҳал этилишида у ёки бу шахсларнинг (жумладан, давлат органларининг) шахсий, тадбиркорлик, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатларига, шаъни ва қадр-қимматида дахл қилмаслик судьялар учун устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 2020 йилнинг 21 февралда суд муҳокамаси ошкоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи амалга оширилишини, шунингдек, судлар томонидан мазкур масалага оид қонун ҳужжатларини бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 4-сонли Пленум қарори қабул қилиниб, амалиётда дуч келинаётган айрим муаммоларнинг ечимини топишга ҳам эришилди.

Қарорга асосан суд муҳокамаси ошкоралиги ва судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида объектив ахборот бериш орқали жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражасининг ошишига имкон яратилмоқда. Бунинг замирида одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолатларидан бири бўлган судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан ишончнинг мустаҳкамланишига эришилади. Бир сўз билан айтганда, судлар томонидан суд муҳокамаси ошкоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур шароит яратишлари лозимлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим” – деб мустаҳкамлаб қўйилган конституциявий қонуннинг амалдаги ифодасидир. Бундан ташқари, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”-нинг 19-моддасида ҳам ахборот ва гоёларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади – деган норма келтирилган.

Ахборотни эркин олиш ҳуқуқи демократик давлатнинг фундаментал асосларидан бирини ташкил этар экан, давлат органлари фаолиятида ахборот муҳим аҳамият касб этади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ахборот ресурсларидан бемалол фойдалана олиш ҳуқуқи жамоатчилик назоратини амалга оширишда муҳим омил саналади ва давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини намоён қилишда коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши суд муҳокамасининг ошкоралиги ва судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка объектив-тезкор ахборот бериш баробарида жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражасининг кўтарилишига имкон яратишга қолмай, одил судловни амалга оширишда судга нисбатан фуқаролар ишончини

юксалтириб, жамоатчилик назоратини таъминлашда муҳим омил саналади.

Судлар фаолиятига (суд муҳокамасига) доир ахборот олиш ҳуқуқи, судларнинг таркибий, тузилмаси тўғрисидаги ва бошқа исталган очик ахборотлар (давлат сири ёки бошқа муҳофаза қилинадиган сирлар тоифасига кирмайдиган, шунингдек, у ёки бу шахсларнинг шахсий, тадбиркорлик, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатларига, шаъни, кадр-қимматига дахл қилмайдиган)га эркин эга бўлиш ҳуқуқи суд муҳокамасининг ошкоралигини ифодалайди. Аммо, тўпланган ахборот ва маълумотлар суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилиши ва судлов фаолиятига бирон бир тарзда аралашувга олиб келмаслиги лозим.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун ташкилий ва ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улар изчил такомиллаштирилиб борилмоқда. Яратилган барча ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар туфайли мамлакатимизда замонавий миллий ахборот макони вужудга келди.

Судларда ахборот соҳаси, яъни ОАВларига ахборот бериш, интервью, маълумотлар, суд ҳужжатларидан нусхалар беришни ислоҳ қилиш тадрижий ислохотларнинг бугунги босқичида долзарб масалалардан бири саналади. Бу эса ўз навбатида, суд муҳокамасининг ошкоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тартибини белгиловчи қонуности ҳужжатнинг қабул қилинишида жамоатчилик назоратини, суд ҳокимияти ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани мустаҳкамлашда ОАВ ролини кучайтиришга хизмат қилиб, яна бир муҳим ва асосий масала, суд ҳокимияти органининг ахборот хизмати фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган ҳуқуқий механизмлар яратилишини талаб этади.

Натижада юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга ошириш имконияти яратилиб, судлар ва давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг қабул қилаётган қарорлари сифатини ошириш борасидаги масъулияти кучайтирилади.

Айни масалада Европа иқтисодий комиссиясининг “Ахборотлардан фойдаланиш, атроф-муҳитга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида, суд ишларида жамоатчиликнинг қатнашиши ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Орхуск Конвенциясининг 4-моддаси талабларига кўра, аҳолини атроф-муҳит ҳолати, инсон саломатлиги, мулки ва хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатлар ҳақида тезкор хабардор қилишга оид қоидалар белги-



лаб қўйилган. Қатор давлатлар ушбу конвенция ва бир қатор халқаро ҳужжатлар асосида ўз қонунларини ишлаб чиқишган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ҳар бир шахснинг қонун билан таъқиқланмаган, судлар фаолияти, суд муҳокамаси тўғрисидаги ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан бирга, юртимизда суд тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, судлар фаолиятининг очик-ошкоралиги, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга ҳуқуқий асос бўлади.

Келтирилган фикрлардан шундай хулоса англашиладики, бугунги ахборот асрида фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, адолат ва қонуний суд ҳужжатларини қабул қилиш судьяларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Ана шундай шарафли ҳамда масъулиятли вазифаларни бажаришда уларга оммавий ахборот воситалари кўмакдошдир. Иккала соҳа вакиллари ҳам ахборот майдонида елкама-елка туриб, ўқувчига холис ва тезкор ахборотни етказиб берса, жамиятда турли салбий фикрларнинг юзага чиқишининг олди олинган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. БМТ Бош Ассамблеянинг 1948 йил 10 декабрдаги 217А (III)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган ва эълон қилинган.



Онгарбай УТЕГЕНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Божхона қўмитасининг
Божхона институти
доценти

ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Экологик назорат билан боғлиқ қонунлар тизимини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, республикада бугунги кунда экологик назорат муносабатларини тартибга солишга бағишланган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.

2019 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-559-сонли Қонуни асосида Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бунда ушбу соҳаларда жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланди.

Бундан ташқари, қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат – Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сонли қарори¹ бўлиб, у билан “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида”ги низом янги таҳрирда тасдиқланди. Хусусан, ушбу низомда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази аҳоли ва жамоатчиликни экологик вазият тўғрисида хабардор қилиши белгиланди.

Ушбу даврда экология соҳасига оид қабул қилинган бир қатор концепция ва стратегияларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси², 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси³, 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси⁴ ҳам жамоат экологик назоратини ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий чораларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4473-сонли

Қарори⁵ мамлакатимизда жамоат назорати, шу жумладан, жамоат экологик назоратини изчил ривожлантириш учун муҳим қадам бўлди.

Хусусан, қарорда белгиланган халқаро амалиётда кенг тарқалган жамоатчилик назоратининг таъсирчан шакллари жорий этиш, жамоатчилик назорати шакллари амалга ошириш механизмларини батафсил регламентация қилиш каби вазифаларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, жамоатчилик экологик назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги кодексини ишлаб чиқиш назарда тутилган бўлиб, бу ҳам ҳозирги вақтда ўнга яқин қонун ва элликка яқин қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари мақомини ягона яхлит ҳужжатга бирлаштиришга хизмат қилади. Бу эса илмий-амалий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга⁶.

Фикримизча, табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг барча жабҳаларида назорат ўрнатилиши лозим, яъни экологик назорат атроф табиий муҳитга ва унинг объектларига таъсир кўрсатадиган хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олиши даркор.

Ушбу соҳадаги етук олимлардан бири М. Бринчук ўз тадқиқотларида, инсон, унинг ҳуқуқи ва эрки олий қадрият эканини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳар бирининг мақбул атроф-муҳитдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида, шунингдек давлат томонидан экологик функциянинг бажарилиш самарадорлиги паст экани сабабли, экология ҳуқуқида жамоат экологик назоратининг замонавий концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кескин муаммо сифатида юзага келганини кўрсатиб ўтган⁷.

Мамлакатимиздаги ҳозирги экологик вазият экологик назоратни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунки, давлатимизнинг атроф табиий муҳитни соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича амалга ошираётган ишларига қарамасдан, экологик муносабатлар ҳали ҳам

табиат ва жамият учун номутаносиб даражада ривожланишда давом этмоқда. Бу номутаносиблик, экологик инқироз ҳолатларини, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни, инсонлар учун қулай табиий атроф муҳитни вужудга келтиришда кенг жамоатчиликнинг ролини, унинг назорат функциясини кучайтирмасдан, такомиллаштирмасдан бар-тараф этиш ҳамда ҳал этиш амри маҳол.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида жамоат ташкилотларининг экологик фаолиятини ривожлантириш, унинг қонун ижодқорлиги фаолиятидаги иштирокини янада кенгайтириш лозим. Шу билан бирга, мамлакатимизда амалда бўлган экологияга оид барча қонунларда жамоат ташкилотларининг табиатнинг у ёки бу объектини муҳофаза этиш ва оқилона фойдаланиш бўйича назорат функциясини белгилайдиган қоидалар ўз ўрнини топиши керак. Ваҳоланки, Ер кодекси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда жамоат ташкилотларининг экологик назорат соҳаларидаги ваколатларини белгиловчи аниқ меъёрий қоидалар ўз ифодасини топмаган.

Иккинчидан, жамоат ташкилотларининг экологик назорат функциясини амалга оширишда унинг соҳа бўйича махсус фаолиятининг муҳимлигини эътиборга олиб, уларнинг тузилиши, вазифаси ва ваколатларини тубдан такомиллаштириш зарурати сезилмоқда. Бунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон экологик партия фракцияси аъзоларининг табиатни муҳофаза қилувчи сиёсий партия сифатида ўз дастурлари билан иштирок этиб, юқори профессионал мутахассислар сифатида қонун ижодқорлиги ва унинг бажарилиши устидан назорат қилиш функциясини янада кучайтиришлари мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, жамоат экологик назорат функциясини мукамал амалга оширишда ҳамда экологик барқарорликни таъминлашда қонун ҳужжатларининг тўла даражада ишлаб чиқилмаганлиги ҳам ҳалақит бермоқда. Демак, экологик назоратни амалга оширишда жамоат ташкилотлари олдида яна кўплаб қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тақлиф бериш вазифаси турибди.

Экологик назоратни тартибга солувчи самарали экологик қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши, бир томондан, давлатнинг шу соҳадаги функциясини такомиллаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, экологик хавфсизлик ҳамда экологик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, экология соҳасидаги жамоат ташкилотлари ўзининг асосий функцияси



ҳисобланган табиатнинг муҳофазаси бўйича назоратни ҳозирги давр талаблари даражасида олиб бориши керак. Экологияни асрашга кўмаклашиш мақсадида тузилган энг йирик баъзи бир жамоат ташкилотлари ўз фаолиятларида фақат хайр-эҳсон ишларига эътибор бериб, улар давлатдан ва бошқа ташкилотлардан моддий таъминот олиш билан банд.

Фикримизча, бу жамоат ташкилотлари шу йўналишдаги функциясини янада ривожлантириши, экологияга оид барча қонунларни давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан қандай бажарилаётганини мунтазам равишда ўрганиб, унинг натижаларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари эътиборига тақдим этиб бориши лозим. Шундагина жамоат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишларнинг таъсир кучи, самарадорлиги ошади, уларнинг амалиётдаги ижросини таъминлашга, жамоатчилик экологик функциясини тўла бажаришга эришилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу жамоат ташкилотлари шу йўналишдаги функциясини ривожлантириши, экологияга оид барча қонунларни давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан қандай бажарилаётганини мунтазам равишда назорат қилиб бориши лозим. Шундагина жамоат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишларнинг таъсир кучи, самарадорлиги ошади, уларнинг амалиётдаги ижросини таъминлашга, жамоатчилик экологик функциясини тўла бажаришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2019 йил, 09/19/737/3709-сон.
2. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.05.2019 йил, 09/19/434/3189-сон.
3. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2019 йил, 07/19/4291/2960-сон.
4. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 йил, 07/19/4477/3867-сон.
5. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 йил, 07/19/4473/3864-сон.
6. Холмўминов Ж.Т. Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли //Жамият ва ҳуқуқ. 2016. – №2. – Б. 151-154.
7. Бринчук М.М. Экологическое право: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М., Юрист, 2004. – С. 351-352.



**Қодирбек
МУСАЕВ,**
ТДНУ мустақил
изланувчиси

НИЗОЛИ БИТИМЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Фуқаролик кодекси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган асослар бўйича, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низоли битим), ёки бундай деб топилшидан қатъий назар (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим) ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Низоли битим ҳодиса сифатида ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий хусусиятларни намоиш қилиши мумкин. Низоли битимларнинг характерли хусусиятлари шундан иборатки, “фуқаролик ҳуқуқбузарлиги” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, юридик адабиётларда “фуқаролик ҳуқуқбузарлиги” тушунчаси кенг қўлланилишига қарамасдан, ўзининг аниқ илмий таърифи мавжуд эмас. Баъзи бир ҳуқуқшунос олимлар, унинг қонунга хилофлигини фуқаролик ҳуқуқининг

асосий белгиси деб ҳисоблашади [1]. Бошқа бир олимлар эса ҳуқуқбузарликни жамият учун ижтимоий хавfli хатти-ҳаракатлар деб таърифлашади. Масалан, Н.С. Малеин таъкидлашича, “Ҳуқуқбузарлик антисоциал (ижтимоий хавfli, зарарли), ҳуқуқий жавобгарликка олиб келадиган ноқонуний ҳаракат сифатида белгиланиши мумкин” [2]. В.Н. Протасов ушбу ҳуқуқбузарликни ижтимоий хавfli ноқонуний хатти-ҳаракатлар деб баҳолайди [3].

Фуқаролик ҳуқуқбузарлик деганда қонун талабларига зид бўлган шахснинг айбли хулқ-атвори, шунингдек бунинг учун ҳуқуқбузарга нисбатан давлат томонидан мажбурлаш чоралари қўлланилиши тушунилади.

Битимнинг низоли эканлиги шуни англадики, битим шаклида амалга ошириладиган ҳаракатлар фақат қонунда кўрсатилган асослар мавжудлар бўлган тақдирда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади.

Ҳуқуқшунос олимлар тўғри таъкидлаганидек, низоли битимларга хос белгилар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, уларнинг бошидан ҳақиқийлиги эмас, балки қонун ҳужжатларига белгиланган ҳақиқий эмас деб топилш имконияти белгилаб қўйилганлиги;

иккинчидан, уларнинг фақат қонунда кўрсатилган шахслар томонидан бахшлашиши имконияти белгилаб қўйилганлиги;

учинчидан, тузилган пайтидан бошлаб барча ҳолатларда ҳақиқий ҳисобланмаган ўзидан ўзи ҳақиқий бўлмаган битимдан фарқли равишда, агар низоли битимнинг мазмунидан унинг фақат келажак вақт учун бекор қилиниши мумкинлиги англашилса, суд битимни ҳақиқий эмас деб топган ҳолда уни келажак вақт учун ҳаракатдан тўхтатади [4].

Низоли битимнинг асосий белгиси бу фаолиятнинг мақсадларига мос келмаслиги

Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

* * *

Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинким, Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

**Амир ТЕМУР
ўғитларидан**



бўлиб, улар юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида аниқ чегараланган бўлади (масалан, таъсис шартномаси ёки уставида).

Цивилистикада низоли битимларни таснифлашда турли хил ёндашувлар мавжуд. Низоли битимларни таснифлаш бир неча асослар бўйича амалга оширилиши мумкин.

Низоли битимларнинг белгилари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) низоли битимлар бу фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ихтиёрий ҳаракатлари;
- 2) бу ҳаракатлар ноқонуний бўлса, ноқонунийлик, бир томондан, бу ҳаракатлар қонун устуворлигига зид бўлса, иккинчи томондан, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузишда намоён бўлади;
- 3) қонунда низоли битим учун ҳимоя чораларини қўллаш шаклида юридик оқибатлар кўзда тутилган.

Битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳуқуқбузар учун фақат жавобгарлик чораларига хос бўлган кўшимча салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

